

# Xabar

3  
(1061)-son

18-yanvar

www.xabar.uz  
info@xabar.uz

2013

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ALOQA, AXBOROTLASHTIRISH VA TELEKOMMUNIKATSIYA TEXNOLOGIYALARI DAVLAT QO'MITASI NASHRI 1992-yil martdan chiqa boshlagan



"Турон" ахборот-кутубхона маркази

## Кўхна ва навқирон зиё маскани

Пойтахтимизда шундай зиё масканлари борки, уларда халқимизнинг асрлар давомида йиғилган ҳаётий тажрибаларини ўзида акс эттирган асарлар, маънавий дурдоналар сақланмоқда.

Бундай масканлар қаторига энг кекса илм даргоҳи — "Турон" номили Тошкент вилоят ахборот-кутубхона марказини киритиш мумкин.

5-бет

### Алоқа оламида

2012 йили дунёда 1,74 миллиард донга мобил телефон ва смартфонлар сотилган. Агар 2011 йилгига таққосланса, бу 1,8 фойзлик ўсиш дегани.

Таҳлилчилар савдонинг бароридан келишида Apple iPhone 8 ва Samsung Galaxy S III ёки Galaxy Note сингари топ-русумдаги смартфонларга талабнинг ошиши катта рол ўйнаганини таъкидлашмоқда.

Юқоридagi маълумотларни тақдим этган Strategy Analytics компанияси 2013 йилда эса кўрсаткич янада ўсиши (5 фойз) ва тахминан 1,83 млрд. мобил қурилма сотилишини тахмин қиляпти.



2013 йилнинг январ ойидан "Ўзбекистон почтаси" ОАЖнинг 189та почта алоқаси бўлимларининг янги мебеллар билан жиҳозланиши бошланди.

### Ушбу сонда:

#### Янги тузилмалар

Касаба уюшмалари фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилади

2-бет

#### Миллий армиямиз

тинчлигимиз кафолати

3-бет

#### CES 2013 янгиликлари

Эшикка сифмайдиган телевизор

4-бет

#### Учебный тренинг-семинар

По разработке приложений для операционной системе Android

6-бет

#### Электрон рақамли имзо

ахборотни муҳофаза қилади

12-бет

#### LexUz

қонун ҳужжатлари миллий базаси

13-бет

ISSN 2010-6424



# Jumadan umagacha

Мағбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ватан химоячилари куни муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Мудофаа ва Фанқулдада вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида"ги фармони чоп этилди.

"Туркистон" саройида 11 январь куни Ватан химоячилари куни ҳамда Ўзбекистон Куролли Кучларининг 21 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди. Маросимда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Куролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислон Қаримовнинг Ўзбекистон Куролли Кучлари ташкил этилганининг 21 йиллиги муносабати билан Ватан химоячиларига байрам табригини Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазири Қ.Бердиев ўқиб эшиттирди. Тантанали маросимда байрам концерти намойиш этилди.

Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округда хизмат қилаётган бир гуруҳ ҳарбийлар 14 январь — Ватан химоячилари кунини катта қувонч билан кутиб олди. Байрам арафасида уларга Қарши шаҳрида барпо этилган кўп хонадонли янги тураржойнинг қалитлари топширилади. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда Президентининг Ислон Қаримов раҳнаомлигида ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларига алоҳида эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилаётгани, ҳарбий хизматчиларни маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб турмуш шароитини яратиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

"Ўзэкспомарказ" миллий кўرғазмалар мажмуасида 2013 йилги солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари ҳамда мамлакатимиз солиқ қонунчилигига киритилган асосий ўзгариш ва қўшимчаларга бағишланган кўрғазмали семинар ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан ташкил этилган тадбирда Молия ва Адлия вазирликлари, Давлат божхона қўмитаси, Давлат статистика қўмитаси, Савдо-саноат палатасининг масъул ходимлари ва тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этишди.

Жиззах вилоятида "Ёшлар тадбиркорлиги — Ватан тараққийига" пиори остида ёш фермерлар форуми бўлиб ўтди. Юнус Ражабий номидаги вилоят мусқали драма театрида ўтказилган мазкур тадбир вилоят фермерлари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, банк ва бошқа хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг фаолияти ҳақидаги кўрғазма намойиши билан бошланди. Тадбир доирасида вилоят ҳокимлиги, прокуратура, фермерлар кенгаши, банк муассасалари раҳбар ва мутахассислари, тажрибали фермерлар билан ёшларнинг мулоқотлари бўлиб ўтди.

Германиянинг Бремен шаҳрида "2013 йил — Ўзбекистонда Обод турмуш йили" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Мамлакатимизнинг Германия Федератив Республикасидаги диплома-тия миссияси ва "Германия — Ўзбекистон" дўстлик уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Бремен федерал ўлкасининг ижтимоий-сиёсий ва эксперт-таҳлил доиралари вакиллари, дўстлик уюшмаси аъзолари ҳамда немис заминда тахсил олаётган ўзбекистонлик талабалар иштирок этишди.

# Мукофотлар муборак!

2013 йил 14 январь — Ватан химоячилари куни муносабати билан соҳанинг ривожланишида хизмат бурчлари ва топшириқларни сидқидилдан бажариб келаётган ҳарбийларнинг мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини ошириш ва унинг равнаки йўлидаги фидокорона меҳнатларини муносиб раъбатлантириш мақсадида алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида хизмат қилаётган бир гуруҳ ҳарбий ходимлар Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш

ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг идоравий мукофотлари билан тақдирланди.

Тошкент ахборот технологиялари университети Махсус факултети "Ахборот хавфсизлиги ва ахборот технологиялари" кафедраси бошлиғи, подполковник Сойибжон Эргашович Холиков қўмитанинг "Фахрий ёрлиғи" билан, Давлат фелдгегерлик хизмати фелдлоқа катта офицери, капитан Хуснуддин Пазитдинович Тураходжаев, "Махсус

авария-тиклаш бошқармаси" (15361-ҳарбий қисм) Мобил алоқа воситалар алоҳида маркази "Жайрон-1" тезкор алоқа комплекс радиостанция техник-ҳайдовчиси, кичик сержант Отабек Турсунович Бошманов, Тошкент ахборот технологиялари университети "Ҳарбий" кафедраси бошлиғи, подполковник Асамиддин Абдивасиевич Тураев қўмитанинг "Ўз қасбининг устаси" белгиси билан тақдирланди.

**Мукофотлар муборак бўлсин, азиз ҳарбий-алоқачилар!**

## KASABA UYUSHMALARI HAYOTIDAN

# Янги тузилмалар

Касаба уюшмалари фаолиятини янада такомиллаштиришга хизмат қилади

2013 йил 10 январь куни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерация Кенгаши ўқув марказида Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмасининг алоқа соҳаси бўйича Республика бирлашган касаба уюшма ташкилотларининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди.



Конференция ишида Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари М.Махмудов ва қўмитанинг худудий бошқармалар фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи Ф.Арипжонов, "Ўзбектелеком" АК бош директорининг биринчи ўринбосари Қ.Юлдашев ва вилоят филиаллари раҳбарлари, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ ва "Мағбуот тарқатувчи" АК раҳбарлари ҳамда вилоятлардан 70 нафар делегат ва алоқа соҳаси йирик қорхона ва ташкилотлари касаба уюшмалари ташкилотлари вакиллари иштирок этишди.


Йиғиланларга Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг янги ташкилий тузилмаси тақдим этилди.

Шундан сўнг, янги ташкил этилаётган Хизмат кўрсатиш ва ўқув муассасалари ва Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳаси Республика бирлашган касаба уюшма ташкилотларининг ташкилий тузилмалари тақлиф этилди ва тасдиқланди.

Анжуманда "Хизмат кўрсатиш ва ўқув муассасалари соҳаси бўйича Республика бирлашган касаба уюшма ташкилоти" ҳамда "Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳаси бўйича Республика бирлашган касаба уюшма ташкилоти" лари таъсис этилди. Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳаси бўйича Республика бирлашган касаба уюшмаси қўмитасининг раиси этиб Телман Ирناзаров ва Хизмат кўрсатиш ва ўқув муассасалари соҳаси бўйича Республика бирлашган касаба уюшмаси қўмитасининг раиси этиб Бахтиёр Рафиқов сайланди.

Кун тартибига киритилган барча масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.


ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ХОДИМЛАРИ КАСАБА УЮШМАСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНING ЯНГИ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ СОҲАСИ РЕСПУБЛИКА БИРЛАШГАН КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИ СОҲАСИ РЕСПУБЛИКА БИРЛАШГАН КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ



# Миллий армиямиз — тинчлигимиз кафолати

Мустақил давлат энг аввало ўз миллий армияси, Куролли Кучларига эга бўлиши лозим. Бу мамлакат суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, фуқароларнинг тинчлиги ҳамда бунёдкорлик меҳнатини ҳимоялаш, ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

**Ш**у боис, мухтарам Президентимиз раҳнамолигида истиқлолга эришган дастлабки кунларимизданок, яъни 1991 йил 6 сентябрда Ўзбекистон Мудофаа ишлари вазирлиги ташкил этилди. 1992 йил 14 январ кунин эса мамлакатимиз ҳудудидаги барча ҳарбий қисм ва бўлинмаларни Ўзбекистон юрисдикциясига ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шундан сўнг маъмур соҳани ривожлантиришнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди. Биринчи навбатда, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мамлакатимиз Куролли Кучлари Ўзбекистон Республикасининг давлат суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини, аҳолининг тинч ҳаёти ва ҳафсизлигини ҳимоя қилиши, шу билан бирга, Ватанимизни ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчи экани белгилан кўйилди. Ўтган давр мобайнида, шунингдек, "Мудофаа тўғрисида"ги, "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги, "Давлат chegarаси тўғрисида"ги, "Фуқаро муҳофазаси тўғрисида"ги, "Терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари резервдаги хизмат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларининг қабул қилиниши миллий армиямизнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини ўзида аниқ ва равшан ифода қилди берди.

Мустақиллик йилларида Куролли Куч-



ларимизни ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган дастурга мувофиқ қисқа муддатларда амалга оширилган кенг қўламли ишлар самараси ўларок, барча замонавий талабларга жавоб берадиган миллий армиямиз шакллантирилди ва бошқаришнинг сифат жиҳатидан мутлақо янги тизимга ўтди. Айниқса, мамлакатимиз Куролли Кучларини ислоҳ этиш жараёнида миллий армиямиздаги маънавий-ахлоқий муҳитни тубдан яхшилаш, ҳарбийларнинг маънавиятини юксалтириш ҳамда руҳан чинқилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Ташкил этилган олий ҳарбий билим юртиларида кадрлар тайёрлаш тизими ҳам йил сайин такомиллаштириб боришмоқда. Топкент умумқўшин, Чирчиқ танк ва Самарқанд олий ҳарбий автомобиль қўмондонлик муҳандислик билим юртилари қўл тармоқли таълим масканларига айлантирилди. Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти буғулни қунда авиация соҳаси учун етуқ кадрларни тарбиялаб бермоқда. Тошкент ахборот технологиялари университетиде алоқачи-офицерлар тайёрлайдиган махсус факультет фаолият кўрсатмоқда. 1995 йилда мамлакатимиз пойтахтида Марказий Осиёда биринчи бўлиб Куролли

Кучлар академияси ташкил этилди.

Сержантлар тайёрлаш мактаби фаолиятининг йўлга қўйилиши эса соҳа учун юксак маънавий-ахлоқий ва етакчилик қобилиятига эга, интеллектуал билими юқори бўлган кичик командирлар тайёрлаб беришга йўл очди. Ўтган вақт мобайнида сержантлар таркиби армиямизнинг том маънодаги таянч устунига айланиб, сержантлар аскарларнинг устузи, офицерларнинг энг яқин ёрдамчиси сифатида фаолият олиб бораётганига барчамиз гувоҳимиз.

Бугун турли йўналишларда хизмат қилаётган ҳарбийларимиз нафақат тинчлик ва оқоилишларимизни ҳимоялаш, балки давлатимизнинг иқтисодий ҳафсизлигини таъминлаш ишларига ҳам салмоқли ҳисса қўшиб келишмоқда. Хусусан, божхона органлари ходимлари юртимиз бойликларини асраш, уларнинг четга чиқиб кетишининг олдини олиш, ўз навбатида, хориждан ноқонуний тарада товар моддий бойликларнинг ҳудудимизга кириб келишининг олдини олиш, божхона қондаларига қатъий амал қилинишини таъминлаш йўлида фидойиллик кўрсатиб келишмоқда.

Ички ишлар идоралари ходимлари ҳам юрт ободлиги, халқ фаровонлиги, тинч ва

осуда ҳаётни қўриқлаш йўлида кечаяқ кундуз тиним билмайдиган, мард ва жасур посбонларимиздир. Улар ўз орому ҳаловатларини ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларга қарши аёвсиз кураш олиб бориш, тинчлик ва ҳафсизлигимиз, ижтимоий-сиёсий барқарорлигимизни таъминлашга алмаштиришга десак, асло муболага эмас.

Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимиз Куролли Кучлари тизимида амалга ошириладиган кенг қўламли ислоҳотлар бутун ўзининг юксак самараларини рўйи рост кўрсатмоқда. Айниқса, чакирқакча бўлган ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, бошланғич ҳарбий таълим бериш соҳасидаги янгилашлар, ҳарбий қисмлар билан жамоатчилик ўртасидаги доимий ҳамкорлик алоқаларининг йил сайин мустаҳкамланиб бораётгани алоҳида аҳамиятга моликдир. Эндиликда миллий армиямиз ёшларимизни ҳар томонлама етуқ, маънавий ва жисмоний жиҳатдан баркамол, қонил шахс сифатида вояга етказадиган, чин ватанпарвар, мард, тағти, доврақ ўғлонлар қилиб тарбияловчи ҳақиқий ҳаёт мактабига айлангани аниқ ҳақиқат. Шу боис ҳам, армияда хизмат қилиш ҳар бир йилит учун нафақат фахрли бурч, балки шарафли ишга айланди.

Ҳа, Куролли Кучларимиз мамлакатимиз мустақиллигининг, халқимиз тинчлигининг, кенг миқёсдаги демократик ислоҳотларни амалга ошириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш, асосининг мустақиллигини таъминлашнинг ишончли кафолати бўлиб келмоқда ва шундай бўлиб қолаверади.

**Шухрат ДЕҲҚОНОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси  
Қонунчилик палатаси депутати

**Т**ошкент ахборот технологиялари университети Қарши филиалида "Ватанини ҳимоя қилиш, унинг сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш миллиятимиз ўғлонлари учун шарафли бурч" маърузида тадбир бўлиб ўтди.

Қарши шаҳар Сержантлар тайёрлаш мактаби билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу йиғилишнинг филиал бўлим бошлиғи Муслим Муродов кириш сўзи билан очиб, ҳарбий соҳада амалга ошириладиган улкан ислоҳотлар, миллий армиямизнинг кучқудрати тўғрисида гапирди.

Тадбирда иштирок этган майор Б.Сотибодиев, подполковник Б.Тешабоев, филиал бўлим бошлиғи Т.Бўриев, ўқитувчилар Ш.Норматов, У.Турдиев ва бошқалар "Ҳарбий қисмлар ва ҳарбий билим юртилари Ватан ҳимоясининг асосий таянч чучи", "Ватан ҳимояси — муқаддас бурч", "Аждодлар тарихи — авлодларга ибрат", "Ҳушёрлик ва сергаклик замон талаби", "Ватанини севмок иймондандир" каби мавзуларда маъруза қилдилар.

Тадбир сўнгиде филиал талабалари ўзларини қизиқтирган саволларга ҳарбий мутахассислардан атрофлича жавоб олдилар.

**Тоҳир ҚУРБОНОВ,**  
ТАТУ Қарши филиали  
маънавият ва  
маърифат бўлими бошлиғи

**А**бу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилояти ахборот-кутубхона марказида ушбу зиё маскани, Бухоро шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси ҳамда шаҳардаги 19-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби билан ҳамкорликда Ватан ҳимоячилари кўнига бағишлаб "Мустақил юртимизнинг ишончли қалқони" мавзунда байрам тадбири ўтказилди.

— Мактабимизнинг ҳарбий-спорт гуруҳларида таълим олиш истагида бўлган ёшлар сағи йил сайин орттиб борапти, — дейди малакали педагог Бахтиёр Нарзиёв. — Жорий ўқув йилида айнан шу йўналишдаги ўқишга 140 нафар ўқувчи қабул қилинди — бу аввалги ўқув йилидагидан 26 нафарга кўпдир.

Назарий ва амалий машғулотлар давомида ўзларига ярашган ҳарбий либосларда кўзга кўриниб турган бўлажак Ватан ҳимоячилари — содиқ ўғлонларга қараб ҳар қандай кишининг қалби фахр ва қувончларга тўлади.

Ватан ҳимоячилари кўнига бағишлаб АКМда ташкил этилган навбатдаги тадбир давомида ҳам шундай бўлди. Ўқувчи ёшлар ўз кўрғазмали чиқишлари билан ўзлари танлаган шарафли соҳа бўйича пухта билим ва қўникмага эга бўлиб бораётганликларини намоиш этдилар.

Тадбирда Бухоро шаҳар мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, қатта лейтенант Қобилжон Абсатторов "Мустаҳкам ҳарбий интизом — юксак жангвор тайёргарлик гарови", ушбу бошқарма ҳарбий хизматга тайёрлаш бўлимаси бошлиғи Умиджон Юсупов "Муқаддас бурч масъулияти" мавзуларида маъруза қилишди.

Қатнашчилар "Фаровон юртининг посбонлари" китоблар кўрғазмаси билан ҳам таништирилди.

**Аскар ИСТАМОВ,**  
"Xabar"нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

**Н**авоий вилотидаги 34051-Ҳарбий қисм қишқик клубида "Истиқлолга қалқон эрур мард ўғлонлар" мавзунда маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Тадбирда ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари вазифасини вақтинча бажарувчи майор Ж.Қаландаров, "Қамолот" ЁИХ вилот кенгаши бўлим мудирини Р.Ҳайитов, НДПИ "Ўзбекистон тарихи" кафедраси бўлим мудирини Х.Қурбонов, вилот Адлия бошқармаси ҳуқуқий тарғибот ва маърифат бўлими бошлиғи Х.Норова, А.Қодирий номидаги вилот АКМ илмий-услубият бўлими мудирини Ж.Бобомуродовалар маъруза қилиб, барча ҳарбийларни касб байрамлари билан муборакбод этдилар.

Тадбирнинг 2-қисмида аскарлар гўртта шарт бўйича: ўзини таништириш, автоматни йиғиш, савол-жавоблар ва эркин мавзуларда ўзаро беллашишди. Якунда ҳарбийларга эсдалик совгалари топширилди.

Тадбирда "Ширин" маданият ва спорт саройининг "Сардор" гуруҳи томонидан мусиқий дастур намоиш этилди.

**Н.БАРНОҚУЛОВА,**  
Навоий вилот АКМ  
фойдаланувчиларга  
хизмат кўрсатиш бўлими мудирини

Xalqaro  
hayot

МАЛИ ҳукумати мамлакат шимолида давом этаётган курулли экстремистларга қарши амалиёт сабабли қўшни Жазоирдан ҳарбий ва моддий ёрдам — ҳарбий транспорт, бошқа ҳарбий техника ва ўқдорилар сўрамоқда. Бу илтимосни кўриб чиқаётган Жазоир ҳукумати Малидан Азаводдаги тинч аҳолига қарши курул нишлатмаслиқни талаб қилмоқда.

АҚШнинг Миссури штатидаги Сент-Луис шаҳрида номаълум шахс бизнес-мактабга қарата ўқ узган. Оқибатда бир киши яраланган. Жиноятчи ўз жонига қасд қилмоқчи бўлиб, кўкрак қисмига ўт очган. Ҳар иккаласи оғир ахволда касалхонага олиб кетилди. Орадан бир неча соат ўтиб, Кентукки штатидаги Хазард шаҳрида жойлашган коллеж автомобил тўхташ жойида икки киши отишма қурбони бўлган, яна бири жароҳатланган. Полиция икки гумондор шахсни қўлга олган.

Ана шундай мудҳиш воқеалар рўй бераётган дамларда Нью-Йорк губернатори курул саклаш ва сотиш назоратини қучайтиришга қаратилган қонунни имзолади. Унга кўра, ўқ-дори сотувчи дўконлар қисқартирилади, юрак касали бор одамларнинг курул саклаши тақиқланади ва сотувчилардан сотилган куруллар бўйича ҳукуматга тўлиқ ахборот бериши талаб қилинади.

МИСРда темир йўл поездининг издан чиқиб кетиши оқибатида 20 нафарга яқин киши ҳалок бўлди, яна юзлаб одамлар жароҳатланди. Поезд вагонининг нима сабабдан издан чиқиб кетгани ҳозирча номаълум.

Мамлакат жанубидан Қоҳирадаги ҳарбий лагерга йўл олган поезд ҳарбий хизматга қақирилган ёшларни олиб кетаётганди. Маълумотларга қараганда, вагонларда жами 1,3 минг нафар бўлажак аскарлар бўлган. Ҳозирда воқеа жойида қутқарув хизмати ходимлари иш олиб бормоқда. Тиббиёт ходимларининг айтишича, қурбонлар сони янада ортиши мумкин, чунки жароҳатланганларнинг кўпчилиги оғир ахволда.

КХДРда аёлларга яна велосипед миниши тақиқлаб қўйилди. Ўтган йили бу тақиқ олиб ташланганди, бироқ январда маҳаллий ҳукумат яна уни жорий этишга қарор қилди. Қонунга риоя этилишини ижтимоий хавфсизлик хизмати офицерлари назорат қилишмоқда. Улар велосипед минган аёлларни тўхтатибгина қолмай, юк қўйиладиган жойида ўтирганларини ҳам тушишга мажбур қилишяпти.

ЯПОНИЯда кузатилаётган кучли қорбўрон сабаб, аэропортлар маҳаллий рейсларни вақтинча тўхтатиб туришга мажбур бўлмоқда. Самолёт парвозини кутиб турган йўловчиларга ичимлик суви ва кўрпа-тўшаклар тарқатилмоқда. Асосан маҳаллий рейсларни амалга оширадиган Токонинг Ханэда аэропортида ҳозир 30дан ортиқ рейслар бекор қилинган.

МОСКВА шаркидаги Метрогородок туманида бир киши дайди итлар ҳужуми оқибатида ҳалок бўлди. Бу ҳақда пойтахт ҳуқуқ-тартибот органлари вакили хабар берган. 14 январда Иккинчи Иртинш тор йўлагидида темир йўл кўпригида 28 ёшли йигитнинг мурдаси топилиди. Йигитнинг юзи, бўйнида ит тишларининг излари бор. Экспертларнинг хулосасига кўра, итлар уни тирикчилигида тишлаган. Йигит кўп қон йўқотиш ва музлаш оқибатида вафот этган.

Эшикка  
СИҒМАЙДИГАН  
ТЕЛЕВИЗОР

Ўта юқори сифатли ёки одатдаги HDга қараганда 4 чандон тиникрок дея таърифланган Ultra HD (4K) телевизорлари CES 2013 кўргазмасининг асосий трендларидан бири бўлди.

Бир қатор рақобатчилари қатори, Samsung Electronics ҳам ташриф буюрувчиларни ўзининг улкан — 85 дюймлик (214 см.) Samsung UHD TV 85S9 телевизорини билан ҳайратда қолдирди (фақат бир нарсани унут-




маслик керак, ҳозирча бу телевизорларда томоша қилиш учун контент, яъни юқори сифатли тасвирий лавҳаларнинг ўзи деярли йўқ ҳисоби).

Худди ўлчамлари каби, Samsung UHD TV 85S9нинг қиймати ҳам

жуда баланд. Нархи корейсларнинг пулида нақ 40 000 000 вон (тахминан \$37 877).

Улкан телевизорлар ишлаб чиқаришда Sony, Toshiba ва LG ҳам рақобатта қиршишган.

СМАРТФОН,  
ПЛАНШЕТ ЭМАС...

Бу қурилма ҳам ўз соҳасида улканлиги билан ном чиқаришга улгурди. Хитойнинг Huawei компанияси меҳнатлари махсули — Ascend Mate смартфонни, тўғриси айтганда, телефондан кўра кўпроқ планшет-компьютерни эслатади: дисплей диагонали 6,1 дюймга тенг. Тўғри, унинг экрани ҳозирча оддийгина HD.

*Huawei Ascend Mate*нинг техник таъриф:

- Дисплей: 6,1-дюймлик IPS+ (1280x720 пикс.) Corning Gorilla Glass химоясига эга;
- Амалиёт тизими: Android 4.1 Jelly Bean;
- Процессори: тўрт ядролу Hi-Silicon K3V2 (1,5 ГГц частотали);
- Амалиёт хотираси: 2ГБ;
- Алоқа стандарти: UMTS (850/900/1700/1900/2100 МГц), GSM (850/900/1800/1900);
- Камераси: ортидаги — 8-Мп (автофокус), юзасидида — 1-Мп;
- Коммуникация: Wi-Fi 802.11 a/b/g/n, Wi-Fi Direct, Bluetooth 4.0
- 3,5 аудиочипки;
- Гироскоп;
- Аккумулятори: 4050 мАч;
- Ўлчами: 163,5x85,7x9,9 мм;
- Оғирлиги: 198 грамм;
- Ранги: оқ ва қора.

## АТ-хабарлар

Компания ўз-ўзини хусусийлаштиришга киришгани ва очик бозордаги акцияларини сотиб олаётгани ҳақидаги хабарлар пайдо бўлиши билан жаҳондаги энг йирик компьютер ишлаб чиқарувчилардан ҳисобланган Dell компаниясининг акциялари баҳоси Нью-Йорк биржасидаги савдоларда анча ошиб кетди.

Айни пайтда компания етарлича маблағни қўлга киритиш мақсадида йирик банк ва жамғарма билан манфаатли келишув йўллари қидирмоқда.

Google корпорацияси Chrome браузерининг барқарор йигирма тўртинчи шаклини чиқарди. Chrome 24да аввалги релизлардан айтарли фарқи кўрмайсиз, аммо айрим носолиқларга барҳам берилган: масалан, Flash Player, YouTube, Openbox билан ишлаш, овозли қиритиш, маълумотларни синхронлаш ва браузернинг Windows 8да ишлаши яхшиланганини айтиб ўтиш мумкин.

Европада онлайн-фирибгарликка қарши янги идора тузилди.

Европа полициясининг Гаага (Нидерландия)даги штаб-квартирасида Европа Иттифоқи томонидан расман ишга туширилган кибербўлима зиммасига барча турдаги онлайн-жиноятларни фош этиш юкланган.


Маълумотларга кўра, фақатгина ўтган йилнинг ўзида кибержиноятчиларнинг фаоллиги европаликларга 1,5 млрд. евро зарар етказган.

Жорий янги йил арафасида шахсий компьютерлар савдоси 12 йилдан буён илк бора пасайди.

Таҳлилчилар бунинг сабабини икки омил билан боғлашяпти: биринчидан, истеъмолчилар тобора планшет ва смартфонларга қизиқиш билдириб, ШК ва ноутбукларга эътиборни қайтаришмоқда, иккинчидан, жаҳонда ноқулай макроиқтисодий ҳолат ҳукм сўриб тургани истеъмолчиларнинг фаоллигига гов бўлмоқда.

Жаҳоннинг етакчи АТ-ишлаб чиқарувчилари муҳофаза-ланган флеш-хотира устида иш-лашмоқда. Samsung Electronics матбуот хизмати хабар беришича, компания бошқа йирик компаниялар билан шерикликда қўшма корхона тузган. Янги компания таъсис этилишида Samsung, Panasonic, Sony ва Toshiba каби йирик ишлаб чиқарувчилар иштирок этипти.

Next Generation Secure Memory дея ном олган мазкур лойиҳа доирасида мобил қурилмалар учун ахборотни ҳимояловчи махсус флеш-карталар чиқариш кўзда тутилган.



(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

### Мозийга назар

1911 йилда тошкентлик маърифатчилар Абдулла Авлоний ва Мунавваркори Абдурашидхонлар ташаббуси билан "Турон" номли маданий-маърифий жамият ташкил этилади. Жамият дастуридаги энг муҳим масалалардан бири кутубхона ташкил қилиб, қироатхона очиб эди. Бундан ташқари, "Турон" жамияти қошида хаваскорлик театр труппаси ташкил этиши ҳам кўзда тутилганди. 1913 йил охирида театр труппаси фаолият бошлади. Ана шу труппанинг репертуар эҳтиёжлари учун турк-татар ва озарбайжон адабиёти драматургияси намуналари йиғилиб, ўзига хос кичик бир кутубхона жамлана бошланди. Кейинроқ бошқа соҳаларга тегишли китоблар ҳам мазкур кутубхона жавонларидан жой эгаллади. Бир оз ўтиб, кутубхона қошида қироатхона пайдо бўлди. 1917 йилда шу жамият аъзолари ҳисобланмиш бир қатор кишилар ўз хусусий китобларини совға қилиб, кутубхонани кенгайтирдилар. Натيجида яхшигина китоб хазинасига эга бўлган кутубхона ва қироатхона ташкил топди.

1918 йилга келиб, "Турон" кутубхонаси Эски шаҳар даҳасида — Чорсу бозорига қираверишдаги Махсидўзлик маҳалласидаги (бунгача ушбу бино Яншев фамилияли бойнинг ички ва ташқи ховлиси бўлган) оппоқ бинода иш бошлади. 1918-1922 йилларда кутубхона бир томондан ўз аъзолари ва ташкилотчилари бўлмиш жадидлар ёрдами билан, иккинчи томондан маърифатпарвар кишиларнинг вақф қилиб қолдирган китоблари ҳисобига оёққа турди, учинчи томондан эса ўзининг ва хорижда чиқиб турган даврий нашрлар ва китоблар билан бойиди. Шундай қилиб, кутубхона ўн йил ичида 20000дан зиёд тарихий ва замонавий мавзудаги китоблар билан бойиди, ўзбек зиёлиларнинг маърифий марказларидан бирига айланди.

Бу ўринда шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, Абдулла Кодирий, Мирмуҳсин Шермухаммедов, Гулом Зафарий, Юсуф Алиев ва бошқа ўша даврнинг энг жонкуяр зиёлилари саяҳатлари тўғрисида кутубхонага 1500дан кўпроқ китоб жамлаб келтирилди.

"Турон" хайрия жамияти кутубхона ҳамда қироатхона иқтисодий томондан таъминлаб турган. Кутубхона ишида ўша даврнинг машҳур шoirлари, хаттот ва ноширлари фаол қатнашдилар.

"Туркистон" газетасининг 1923 йил 28 апрел сонидида "Кутубхона олинди" деган хабар босилган бўлиб, унда оренбурглик китобчи Аҳмад Исҳоқийнинг бутун кутубхонаси 235 миллион сўм баробарига "Турон" кутубхонаси учун сотиб олинганлиги ёзилган. Шундай қилиб, кутубхона жамғармаси яна беш минг жилд китобга ортган. Янги олинган китоблардан хабар топган китоб-

## "Турон" ахборот-кутубхона маркази

# Кўхна ва навқирон Зиё маскани



**"TURON" AKMда 39та компьютер, 3та нусха кўчириш апараты, проектор ва фотопринтер, 14 ўринли электрон ўқув зали ҳамда 385 мингдан ортиқ нусхадаги адабиётлар жамғармаси мавжуд.**

тиришда биринчи қадамлар қўйилди. Ўзбекистондаги ўнга йirik кутубхона қаторида мазкур кутубхона томонидан ҳам "ИРБИС" ахборот-қидирув кутубхона тизими ўзлаштирилди ва 2001 йили биринчи бўлиб, 65000 китоб тўғрисидаги ахборотларни ўз ичига қамраб олган ўзбек адабиётлари жамғармасининг тўлиқ электрон каталоги тузилди.

2000 йилда кутубхонада биринчилардан бўлиб хусусий тadbirkorларни қўллаб-қувватловчи "Чорсу-2000" маркази ташкил этилди. Бу марказдан тadbirkorлар учун махсус олинган адабиётлар ва даврий нашрлар, шунингдек, ҳуқуқшунос ва бухгалтер маслаҳатидан баҳраманд бўлиш имконияти яратилди. 2001 йили эса "Аҳолини ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази" ташкил этилиб, ушбу марказ базасида фойдаланувчилар юридик ва иқтисодий адабиётларнинг очик жамғармасидан, "Қадам", "Норма" компьютер ҳуқуқий тизимидаги ва интернет

хонларни ўқишга шунчалик мушток бўлганларки, хатто ўқувчилардан бири газетанинг 1923 йил 12 сентябр сонидида "Қачон ўқир эканмиз?" деган мақола ҳам ёзган. Бу ҳам халқимизнинг ниҳоятда китобсевар эканлигидан далолат беради.

### Фаолиятда янги босқич

— 1997 йилда "TURON" илмий-универсал кутубхонаси фаолиятида янги босқич бошланди, — дейди АКМ директори Нусратилла Комилов. — Инновацион услубларни қўллаш, саҳоватпешалар ва ҳомийларни кутубхонага жалб қилиш, хорижий кутубхоналар билан ҳамкорликда ишлашни амалга оширишга киришди. Шу вақтдан бошлаб кутубхона фаолиятини автоматлаш-



тармоғидаги маълумотлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

2003 йилда кутубхонада янги ахборот технологиялари бўлими ташкил этилди. Бўлимдаги саккизта компьютер локал тармоққа улашиб, ўзаро ахборот алмашиш йўлга қўйилди. Китобхоналар кенг фойдаланишлари учун нусха кўчирувчи ва кўпайтирувчи техника билан ҳам жиҳозланди.

### Кутубхона негизда АКМ

Жамиятни ахборотлаштириш жараёни фаол олиб борилаётган бир шароитда кутубхоналар ҳам четда қолмади — "TURON" илмий-универсал кутубхонаси негизда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 20 июндаги "Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил қилиш тўғрисида"ги қарори асосида "TURON" ахборот-кутубхона маркази ташкил этилди. Бугунга келиб, АКМда иш жойлари тўлиқ автоматлаштирилган.

Илмий-оммабоп ва бадий адабиётларнинг тўла матнли маълумотлар базаси интернет орқали сўровчилар эhtiборига хавола этилган. Ушбу маълумотлар базаси фойдаланувчиларга ICE Book Reader Professional дастурида тақдим этилган.

AKMнинг компьютерлар залидаги компьютерлар глобал тармоққа уланган бўлиб, ёшлар учун кенг камровли манбалардан фойдаланиш имконияти яратилган.

Ахборот-кутубхона маркази фаолиятида "Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида"ги қонун ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 23 февралдаги "Ахборот-коммуникация технологиялари базасида ахборот-кутубхона ва ахборот-ресурс хизматлари сифатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ва 2012 йил 21 мартдаги "Замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ривожлантириш ва татбиқ этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларини жорий этишга катта эhtiбор қаратилган. Ушбу қарорлардан келиб чиққан ҳолда АКМда "Йиғма электрон каталоги шўъбаси" ташкил этилди ва KaDaTa компьютер дастури асосида электрон каталог ташкил қилиш ишлари фаол олиб борилмоқда. Марказнинг электрон каталоги Республика йиғма электрон каталогининг бир қисми бўлиб қолади.

### Методик марказ

"TURON" ахборот-кутубхона маркази Тошкент вилоятидаги ахборот-ресурс маркази ва кутубхоналар учун методик марказ ҳисобланади. Ўзининг методик фаолиятида вилоятдаги ахборот-кутубхона муассасалари иш жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишга катта эhtiбор қаратади. Вилоятдаги мавжуд 103та ахборот-ресурс марказининг Республика интеграл ахборот-кутубхона тармоғига уланиши ҳам юқорида кўрсатилган чора-тадбирларда назарда тутилган.

Усмонжон Йўлдошев,  
"Xabar" мухбири

Суратлар муаллифи  
Мухиддин СОЛИЕВ

"...1918 йилда очилган бу кутубхона кун сари ўсим ва ўзбек, татар, озарбайжон, форс, араб ва русча ёзилган асарлар билан бойиб келди... Кутубхонада борлиги 15 минг китоб бўлиб, улар жуда тартиб билан ўринлаштирилганлар, кутубхонанинг қироатхонасига Туркистон ўлкасида чиқаётган газета ва журналлардан бошқа Боку ва Татаристонда чиқаётган 4 турлик газета ва 2 турлик журнал ва 2 турлик русча газета олинди."

Кутубхона ва қироатхонага ўрта ҳисоб билан ҳар куни 70 одам кириб ўқийди. Келганларнинг кўпи 15-25 ёшлар орасида бўлиб, кўбрак адабий асарларни сўрайдилар."

"Туркистон" газетасининг 1924 йил 12 август сонидан

# Учебный тренинг-семинар

## По разработке приложений для операционной системе Android

В рамках подписанного в октябре 2012 года Меморандума о взаимопонимании между Ташкентским университетом информационных технологий (ТУИТ) и Корейским национальным университетом транспорта (КНУТ) университет посетила группа волонтеров из Кореи во главе проф. Румдук Ох, проф. Жонхуи Ли и 10 одаренных студентов КНУТ.

10 января 2013 года в Ташкентском университете информационных технологий состоялась церемония открытия учебного тренинг-семинара на тему "Разработка приложений для операционной системе Android" для студентов Ташкентского университета информационных технологий, Ташкентского профессионального колледжа информационных технологий и Ташкентского профессионального колледжа связи. В церемонии открытия приветственными словами выступили ректор ТУИТ Х.Мухитдинов, глава корейской делегации проф. КНУТ Румдук Ох и директор Ташкентского профессионального колледжа информационных технологий А.Шин.

Ташкентский университет информационных технологий активно сотрудничает более 20 корейскими университетами и научными учреждениями. За последние годы заключены более 15 договоров, соглашений и меморандумов о сотрудничестве в области обмена профессорско-преподавательским составом и студентами, организации научных стажировок и курсов повышения квалификации, открытие совместных учебных и научных центров со следующими университетами и научными организациями Южной Кореи:

- Научный институт электроники и телекоммуникации (ETRI)
- Корейский институт науки и информационной технологий (KISTP)
- Корейский институт электронных технологий (KETI)
- Сеулский национальный университет (SNU)



- Университет Ёнгам (YU)
- Университет Конкук (KU)
- Университет Кукмин (KMU)
- Национальный университет Чоннам (CNU)
- Университет Ханнам (HNU)
- Университет Кюнг Хи (KHU)
- Университет Инха
- Корейский ведущий научно-технический институт (KAIST)
- Корейский национальный университет транспорта

**В настоящее время в университетах Кореи обучаются и проводят исследовательские работы 10 магистрантов и 8 докторантов из ТУИТ.**

При поддержке Министерства информации и коммуникации Республики Кореи был организован 2007 году Узбекско-Корейский

центр информационного доступа (Интернет Плаза). Средства центра используется не только для учебного процесса, но и как инструмент для общественного пользования, повышения уровня местного населения по компьютерной грамотности и для развития информационных технологий между странами.

Совместно с Корейским научным центром интернационализации информационных технологий (ITIRC) создан в 2007 году Центр информационных технологий ТУИТ-ITIRC. В центре ведутся учебные курсы, научные проекты по программе "Программное обеспечение с открытым кодом".

Начиная с 2007 года ежегодно регулярно посещают в ТУИТ группа корейских интернет волонтеров для обмена знаниями и проводят 3-4 недельные курсы в области ИТ для студентов университета. В настоящее время в университетах Кореи обучаются и проводят исследовательские работы 10 магистрантов и 8 докторантов из ТУИТ.

Android является мобильной операционной системой, разработанной компанией Google. Эта открытая платформа для смартфонов и мобильных устройств и данный учебный тренинг-семинар даст студентам новые знания, а некоторым укрепить свои знания в этой области. Тематика учебного семинара является актуальной не только студентов ТУИТ, но и студентов профессиональных колледжей сферы информационных и телекоммуникационных технологий.

По согласованной программе учебный тренинг-семинар будет проводится до 19 января и в нем участвуют по 12 студентов от ТУИТ и 2 колледжей, 10 студентов КНУТ, всего 46 студентов. 21 января организуется ярмарка разработанных программных продуктов и успешно участвовавшим студентам выдаются соответствующие сертификаты и подарки.

**Собиржон ЮСУПОВ,**  
начальник отдела международных связей ТУИТ

## ПОСВЯТИЛИ ПРАЗДНИКУ

Беседы, встречи, "круглые столы", диспуты и викторины проходили накануне Дня защитников Родины в областном информационно-библиотечном центре.

Их участниками стали — военнослужащие, учащиеся военного лицея. Тематика мероприятий определена всенародным призывом к труду защитников Отечества, высокая престижность военной профессии.

— При подготовке их сценариев мы стремились привлечь к этой работе солдат срочной службы, контрактников, курсантов школы подготовки сержантов, — говорит заведующая отделом обслуживания читателей ИБЦ Зульфия Марширова. — Среди них немало талантливых певцов, танцоров, любителей прозы и поэзии. Это говорит о том, что в рядах Вооруженных Сил сегодня несут службу хорошо образованные, духовно и физически здоровые молодые люди, надежно защищающие мир и спокойствие на нашей земле. И мы с большим желанием подготовили для них праздничные мероприятия, которые проходили в нашем Центре, а также в одной из воинских частей, дислоцированных в областном центре, академическом лицее 1 города Ургенча.

В преддверии праздника в читальном зале ИБЦ развернута книжно-иллюстративная выставка "Мустанк юртимизинин ишончли химоячлари", экспонаты которой содержат широкую информацию о строгости и сегодняшнем дне Вооруженных сил страны, о войнах — хорезмцах, несущих службу по охране рубежей нашей Родины.

**Пресс-служба**  
Хорезмского областного информационно-библиотечного центра



### КОРОТКО

По информации тайваньского издания Digitimes, компания Lenovo готовит к релизу конвертируемые ноутбуки, способные трансформироваться в планшеты. Новые модели должны будут работать на базе операционной системы Android и быть построены на основе чипов Intel или ARM. Отметим, что концепция конвертируемых планшетов сейчас активно набирает популярность и подобные решения активно демонстрировались на выставке CES 2013.

Аналитическая компания IDC прогнозирует, что в этом году мировые продажи интернет-планшетов достигнут отметки в 170-180 млн. долларов, причем наиболее существенный рост будет показан в сегменте бюджетных 7-дюймовых планшетов. В IDC предварительно оценивают объем проданных в 2012 году интернет-планшетов в 130 млн. штук. По прогнозам IDC, в 2013 году на долю 7-8-дюймовых моделей придется около 60%, тогда как за более крупными моделями будет оставаться порядка 33% рынка.

Антивирусная компания Sophos представила Sophos EndUser Protection — новый подход к лицензированию программных продуктов в рамках обеспечения безопасности собственных устройств, используемых сотрудниками компаний (BYOD), и роста их применения в работе мобильного персонала.

Sophos EndUser Protection — это лицензия для конкретного пользователя и обеспечение консолидированной безопасности всех его устройств, в отличие от традиционных решений, которые предлагают лицензии для каждого отдельного устройства. Это означает, что каждый пользователь в организации, где бы он ни находился, на основании одной лицензии получает защиту всех своих устройств: от стационарных компьютеров с системами Windows и Mac до мобильных iPhone и iPad, а также устройств под управлением Android.

Шведский интернет-провайдер Bahnhof начала строить свой первый модульный датацентр с футуристическим дизайном. Внешне датацентр напоминает космическую станцию или межпланетный корабль. Между тем, внутри модулей находятся пуленепробиваемые стены, защищающие серверное оборудование и сетевые устройства.

Новый датацентр также имеет специальный наддувной вестибль, который предназначен для персонала датацентра и может быть герметично перекрыт от внешнего мира и обеспечить безопасность сотрудников в случае чрезвычайной ситуации.

# Хабар +tv

ДУШАНБА — 21 ЯНВАР

ОТРАСЕТОН

- 5.55 Қўрсатувлар дастури.
- 6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
- 7.00 "Қўнгуз амакининг ҳикоятлари".
- М/с.
- 7.10 "Қўнгуз қўнгуз истади".
- 7.25 Миллий сериал: "Опа - сингиллар".
- 8.00 Ҳақтинлар.
- 8.40 "Ҳарқоркет дастури".
- 9.10 Миллий сериал: "Душан атрофидагилар".
- 9.40 "Истиқ".
- 9.55 "Ҳасин Гул". Т/с.
- 10.45 "Саломатлик сирлари".
- 11.00 "Аҳборот".
- 11.10 "Ватанларим".
- 11.55 "Истиқ".
- 12.00 "Ассалом, Ўзбекистон!".
- 12.50 "Қўнгуз қўнгуз истади".
- 13.05 "Доктор Хаус". Т/с.
- 13.50 "Моҳир қўллар".
- 14.00 "Аҳборот".
- 14.15 "Ҳадидот сари".
- 14.25 "Истиқ".
- 14.40 Ҳужжат киносе: "Ҳотира раҳини".
- 15.40 Жаҳон мусиқаси хазинасидаги Г. Берлиоз "Фрунзанин жаҳонининг". 1-қисм.
- 16.25 "Истиқол фарадиллари".
- 16.40 "Ўзбекистон тиббати".
- 17.00 "Аҳборот".
- 17.10 "Менинг болам".
- 17.25 Миллий сериал: "Опа-сингиллар".
- 18.00 "Қўнгуз қўнгуз истади".
- 18.15 "Эртангир - ишчиликка етаклар".
- 18.35 "ТВ - инфоро".
- 18.40 "Доктор Хаус". Т/с.
- 19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.
- 19.30 "Аҳборот" (рус).
- 20.05 "Муҳаббат ёллар". Т/с.
- 21.00 "Аҳборот".
- 21.40 "Муносабат".
- 22.00 "Қўнгуз қўнгуз истади".
- 22.25 "Антарктика пойги". Б/ф.
- 00.10 -00.15 "Оғуш".
- 00.15 Қўрсатувлар дастури.
- 00.20 Миллий сериал: "Душан атрофидагилар".
- 1.00 "Аҳборот" (рус).
- 1.30 ТелеТрагед: "От ингагани томонда". 1-қисм.
- 2.10 "Ватанларим".
- 2.35 "Моҳир қўллар".
- 3.05 "Истиқ".
- 3.10 "Ассалом, Ўзбекистон!".
- 4.00 "Аҳборот".
- 4.40 Миллий сериал: "Опа - сингиллар".
- 5.15 "Саломатлик сирлари".
- 5.30 "Ўзбекистон тиббати".
- 5.50 - 5.55 "Оғуш".



- 6.00 "Ватан меҳри".
- 6.10 "Ўнунтасма оқинлар".
- 7.00 "Қўнгузча дарс".
- 7.30 "Мультианларма".
- 8.00 "Муҳаббат қўри". Б/ф.
- 9.30 "Ёшлик наволари".
- 9.50 "Ўзбек адабиети".
- 10.00 "Қамолот-инфо".
- 10.10 "Экспортчилик". Б/ф.
- 10.50 "Жаҳон мусиқаси".
- 11.30 "Беш қарқиним". Б/ф.
- 12.50 "ЎзЕХ".
- 13.00 "Давр".
- 13.10 "Геран илдизлар". Т/с.
- 14.00 "Ирт-ишқлар".
- 14.30 "Серҳи қўллар".
- 14.50 "Ёшлик наволари".
- 15.10 "Ваклар аро". Т/с.
- 16.00 "Давр".
- 16.10 "Муҳаббатий дунё".
- 17.00 "О, спорт!".
- 17.10 "Қўнгузлар". Б/ф.
- 18.30 "Ёшлик наволари".
- 18.50 "ЎзЕХ".
- 19.00 "Давр".
- 19.30 "Геран илдизлар". Т/с.
- 20.20 "13-студия".
- 20.50 "Эртангир болаларини".
- 21.10 "Ваклар аро". Т/с.
- 22.00 "Давр".
- 22.30 "Тоғти шарқини". Т/с.
- 23.20 "Мустақам, соғлом оила".

- 00.00 "Ватан меҳри".
- 00.10 "Ёшлик наволари".
- 00.30 "Давр".
- 1.00 "Ўзбекча на ҳақиқат".
- 1.50 "Қамолот-инфо".
- 2.00 "Серҳи қўллар".
- 2.30 "Армон". Б/ф 1-қисм.
- 3.40 "13-студия".
- 4.10 "Муҳаббатий дунё".
- 5.10-6.00 "Тараном".


КОММЕНТАРИЙ

- 06.00 Қўрсатувлар тартиби.
- 06.05 "Қалавдани ташқари полад". Б/ф.
- 07.25 "Ўзларим".
- 07.30 "Салом, Тошкент".
- 08.30 Тошкент тароналари.
- 08.45 "Сагузатилар орали".
- 09.15 "Интелектуал аукцион".
- 09.30 "Пошта".
- 09.40 "Иборат".
- 10.10 "Интервью".
- 10.20 "Хор жаҳонининг концерти".
- 10.30 "Пошта". (рус тилида).
- 10.40 "Адолат мезони".
- 10.55 "Этикер Твист". Б/ф.
- 13.00 "Салом, Тошкент!".
- 14.00 "Дун", теледастур.
- 14.55 Бизнес-пойтахт".
- 15.00 "Пошта".
- 15.15 "Эълонлар". Т/с, 58-қисм.
- 15.45 "Ўзларим".
- 16.50 "Таян нуқсад".
- 16.20 "Эко-пойтахт".
- 16.30 Тошкент тароналари.
- 16.45 Мульсериал: "Винни Пуск". 6-қисм.
- 17.05 "Мазрифт фидоиларини".
- 17.20 "Қасбим-файзим".
- 17.40 "Пошта йўллари".
- 18.00 "Пошта".
- 18.25 "Интелектуал аукцион".
- 18.35 Миллий сериал: "Умр сўмоқларидаги". 17-қисм.
- 19.05 "Эртикчи".
- 19.25 Тошкент тароналари.
- 19.40 "Теле-маркет".
- 19.50 "Ҳайри тун болалар".
- 20.00 "Пошта".
- 20.30 "Мастиба бир қўн".
- 21.00 Тошкент тароналари.
- 21.15 "Интервью".
- 21.30 "Теле-маркет".
- 21.45 "Делтиз ҳуқуқлари". Т/с, 46-қисм.
- 22.30 "Пошта". (рус тилида).
- 22.55 "Эко-пойтахт" (рус тилида).
- 23.05 "Кино SMS" (рус тилида).
- 23.10 "Мистификация" Х/ф.
- 01.00 Қўрсатувлар тартиби.
- 01.05 "Балиқлар" Х/ф. (рус тилида).
- 02.05 "Реальние сказка" Х/ф.
- 03.45 "Ўзларим".
- 03.50 "Меҳмон". Б/ф.
- 05.00-06.00 "Салом, Тошкент".

SPORT

- 6.00 "Ҳайри тўнги".
- 6.10 "Саломат бўлинг".
- 6.50 "Жасур боллар".
- 7.05 "Жоизба".
- 7.25 Болалар майдончаси: Тоғти гивоватчи.
- "Спортландия". Мультифильм.
- 8.00 ХАБАРЛАР.
- 8.30 "Саломат бўлинг".
- 8.55 Футбол. Англия чемпионати.
- "Тоттенхэм" - "Манчестер Юнайтед". 10:40 "RING".
- 12.55 Ракхлар, натиқалар, рейтинглар.
- 13.00 ХАБАРЛАР.
- 13.10 Болалар майдончаси: Спортландия". Мультифильм.
- 13.40 Теннис. Австралия очик чемпионати.
- 14.50 Футбол. Италия чемпионати.

- "Роме" - "Интер".
- 16.30 Болалар майдончаси: Спортландия". Мультифильм.
- 17.00 ХАБАРЛАР.
- 17.25 Интервьюлар.
- 19.30 Биатлон. Жаҳон кубоги.
- 20.30 "Спорт - маркет".
- 20.40 "Футбол шарқ".
- 21.00 ХАБАРЛАР.
- 21.55 Интервьюлар.
- 21.55 С.С.Шибай дастури анониси.
- 23.45 Баскетбол. Европани.
- 1.00 ХАБАРЛАР.
- 1.25 Футбол. Англия чемпионати лигаси.
- 2.55 Футбол. Англия чемпионати. "Челси" - "Арсенал".
- 4.40 - 5.50 Теннис. Австралия очик чемпионати.



- 07.00 08.10 10.30 15.20 19.40 20.35 00.10
- 00:00-05:00 "ТVM" наволари
- 06:00 "Prime time".
- 09:40 Серил "Без сизла".
- 11:30 "Дуқини" Х/ф.
- 14:10 Серил "ХИНДИСТОН ИДУЛАРИ".
- 15:00 "Prime time".
- 18:00 "Премьера".
- 18:30 "Prime time".
- 18:40 Серил "ХИНДИСТОН ИДУЛАРИ".
- 20:00 "Топ-10".
- 21:10 Серил "Без сизла".
- 22:00 ЛЮДИ ИКС. РОССОМАХА" Х/ф.
- 02:00 Фестиваль кино: "Шульте".

- 04.00 08.05 Телеканал "Доброе утро".
- 08.00 11.00, 14.00, 02.00 Новости.
- 09.00 "Житг азорво".
- 10.05 Моҳийи приговор.
- 11.15 Контрольная закупка.
- 11.40 "Время обедать".
- 12.10 "Доброе здоровья" с Геннадием Малковым.
- 13.00 Другие новости.
- 13.25 17.40 Понять. Простить.
- 14.10 "Хочу жить" с Михаилом Шварцманом.
- 14.45 "Ты не один".
- 15.30 "Дешевое и сердито" с Дарьей Доновной.
- 16.10 Т/с "Нервный брак".
- 17.00 Вечерние новости.
- 18.10 01.10 "Давай поженимся".
- 19.00 "Пусть говорит".
- 20.00 "Время".
- 22.00 13.30 Т/с "Виктория".
- 22.10 Ночные новости.
- 22.25 "Свобода и справедливость" с Андреем Макаровым.
- 23.20 Х/ф "Олеги".

РОССИЯ 1

- 04.00 Утро России.
- 08.00 "1000 мелодий". Ток-шоу.
- 08.45 "О самом главном". Ток-шоу.
- 09.30 Т/с "Кулагин и партнеры".
- 10.00 13.00, 16.00, 19.00 Вести.
- 10.30 13.30, 16.30, 18.40 Вести-Москва.
- 10.50 Т/с "Тайны следствия".
- 11.50 "Дело Х. Следствие продолжается". Ток-шоу.
- 12.50 15.45, 03.45 Вести. Дежурная часть.
- 13.30 Т/с "Ефросинья. Таежная любовь".
- 14.45 Т/с "Тайны института благородных девиц".
- 16.50 Т/с "Вкус граната".
- 19.30 Споебной нома, малыши!".
- 19.40 "Прямой эфир".
- 20.25 Т/с "Я приду сама".
- 00.00 "Девчата".

НТВ

- 4.00 "НТВ утром".
- 6.05 Т/с "Возвращение Мухомора".
- 8.00 11.00 14.00 17.00 "Сезония".
- 8.20 "Жинит же оқоғи".
- 8.55 "До суд".
- 10.00 "Сула присяжных".
- 11.25 "Сула присяжных. Окончательный вердикт".
- 12.35 Т/с "Сургули".
- 13.30 16.30 "Чрезвычайное происшествие. Обзор".
- 14.25 "Прокурорская проверка".
- 15.40 "Товария и показывания".
- 17.30 Т/с "Петрович".
- 19.30 Т/с "Защита Красина".
- 21.15 "Сезония. Итоги".
- 21.35 Т/с "Вригдал".
- 22.35 Т/с "Демон".
- 23.35 "Двойной мир".

РОССИЯ 2

- 06.00 "Все включено".
- 06.50 "Моя планета".
- 07.30 "В мире животных" с Николаем Дроздовым.
- 08.00 09.55 17.45 Вести-Спорт.
- 08.10 "Моя рыбалка".
- 08.40 "Все включено".
- 09.35 12.55 ВЕСТИ.ТГ.
- 10.05 Чарли Шин в фильме "Нювик".
- 12.20 "Наука 2.0. Большой сканок".
- Иммунизит".
- 13.00 "Местное время. Вести-Спорт".
- 13.40 Аналитик. "Дакор-2013".
- 14.10 Биатлон. Кубок мира. Трансляция из Италии.
- 17.55 Хоккей. КХЛ. "Металлург" (Магнитогорск) - "Ак Барс" (Казань). Прямая трансляция.
- 20.15 Жан-Клод Ван Дамм в фильме "Двойник".
- 22.15 "Недели спорта".
- 23.10 "Суперспутник. инструкция по сборке".

СТС

- 4.00 М/с.
- 6.00 Т/с "Папины дочки".
- 6.30 22.00 Т/с "Светфор".
- 7.00 7.30 11.30 21.50 23.30 "6 кадров".
- 8.30 15.00 Т/с "Веронины".
- 10.30 Т/с "Даша молодая".
- 12.00 "Танкист".
- 13.00 Х/ф "Терминатор. Да придет спаситель".
- 17.00 Т/с "Кукон".
- 18.00 Т/с "Восемидесятые".
- 19.00 Т/с "Метод Лаврова".
- 20.00 Х/ф "Смелые люди".
- 22.30 "Кино в деталях".

ТВ3

- 4.00 М/ф.
- 7.00 Д/ф "Квятиня Ольга. Любовь диннее жизни".
- 8.00 15.00 "Параллельный мир".
- 9.00 16.00 20.45 "X-ВЕРСИИ. ДРУГИЕ НОВОСТИ".
- 10.15 Х/ф "Национальная безопасность".
- 12.00 Х/ф "Свадебная вечеринка".
- 14.00 13.30 Д/ф "Талдак".
- 16.30 Д/ф "Охотники за привидениями".
- 17.00 17.55 Т/с "Кости".
- 18.45 Д/ф "Экстремистские истории".
- 19.45 Д/ф "Записки истории. Миссия не известна".
- 21.15 Х/ф "Мальчишки в Вегасе".
- 23.00 Т/с "Тайны Сахары".

## O'ZBEKISTON

5.55 Кўрсатувлар дастури.  
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон".  
7.00 "Қўндоқ амакониин ҳаққоқлари".  
М/с.  
7.10 "Кўнги қўнқи истақди".  
7.25 Милли сериал: "Опа-сингиллар".  
8.00 "Ахборот".  
8.40 "Навоийни англаш".  
8.55 "Менинг боғим".  
9.10 Милли сериал: "Тўлқан атрафидоқлар".  
9.35 "Идил".  
10.00 "Юртим бўйлаб" дастури: "Феуқноқ қиш зийнати".  
10.10 "Робин Гуд". Т/с.  
11.00 "Ахборот".  
11.10 "Муҳаббат ёмғири". Т/с.  
11.35 "ТВ - шифоқор".  
12.00 "Ассалом, Ўзбекистон".  
12.50 "Кўнги қўнқи истақди".  
13.05 "Доктор Хаус". Т/с.  
14.00 "Ахборот".  
14.15 "Дуни мангиларлари".  
14.35 "Қалбига қўлқ туғ". Т/с.  
15.15 "Иқлим".  
15.20 "Нинго ҳаёт уйин эмас". 1-қисм.  
15.45 Жаҳон муқдиси қазинасидан. Г. Берлино. "Феустини жазоаниши". 2-қисм.  
16.30 "Тезоқ хабарлар".  
16.40 "Ўзбекистон табиати".  
17.00 "Ахборот".  
17.10 "Қамолот оstonasi".  
17.25 Милли сериал: "Опа-сингиллар".  
18.00 "Кўнги қўнқи истақди".  
18.15 "Эрталаб - яқшилликка ақлар".  
18.35 "Ифтихор".  
18.40 "Доктор Хаус". Т/с.  
19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар.  
19.30 "Ахборот" /рус/.  
20.05 "Муҳаббат ёмғири". Т/с.  
21.00 "Ахборот".  
21.40 "Бир жинот изидан".  
22.00 "Кўнги қўнқи истақди".  
22.15 "Зирақ тақдир масума". Б/ф.  
23.55 "Олуғ".  
00.00 Кўрсатувлар дастури.  
00.05 "Қамолот оstonasi".  
00.20 Милли сериал: "Тўлқан атрафидоқлар".  
1.00 "Ахборот" /рус/.  
1.30 "Тел-Телур". Т/с. Ингилган томоқда. 2-қисм.  
2.15 "Юртим бўйлаб" дастури: "Эрталаб шақри".  
2.25 "Қўндоқ замин оқдизлари".  
2.45 "Қулларнинг бирлиги".  
2.55 "Менинг боғим".  
3.10 "Ассалом, Ўзбекистон".  
4.00 "Ахборот".  
4.40 Милли сериал: "Опа-сингиллар".  
5.15 "Навоийни англаш".  
5.30 "Ўзбекистон табиати".  
5.50-5.55 "Олуғ".  
6.00 "Ватан меҳри".  
6.10 "Олтин микрофон".  
7.00 "Қатта танаққор".  
7.30 "Муқдимиқор".  
8.00 "Мушкетер қиз-2". Б/ф.  
9.30 "Ешлиқ навоилари".  
9.50 "Ўзбек адабиети".  
10.00 "Давр".  
10.10 "Тоғни шудирин". Т/с.  
11.00 "Қонинлар қўнқи". 1-қисм.  
11.30 Телевизион ўчиришини унутинлар". Б/ф.  
12.50 "ЎзЕХ".  
13.00 "Давр".  
13.10 "Теран илдизлар". Т/с.  
14.00 "Йўл-йўлқил".  
14.30 "Қишлоқ парадқиғи".  
14.50 "Ешлиқ навоилари".  
15.10 "Вақдлар аро". Т/с.  
16.00 "Давр".  
16.10 "Мўжақсий дунё".  
17.00 "О, спорт!".  
17.10 "Армон". Б/ф 1-қисм.  
18.30 "Ешлиқ навоилари".

18.50 "ЎзЕХ".  
19.00 "Давр".  
19.30 "Теран илдизлар". Т/с.  
20.20 "Кўнги қўнқи".  
20.50 "Эрталаб бодқонлар".  
21.10 "Вақдлар аро". Т/с.  
22.00 "Давр".  
22.30 "Тоғни шудирин". Т/с.  
23.20 "Бақт формуласи".  
24.00 "Ватан меҳри".  
00.10 "Ешлиқ навоилари".  
00.30 "Давр".  
1.00 "Арсона ва ҳаққид".  
1.50 "Қўнқи мўжақсий".  
2.00 "Қишлоқ парадқиғи".  
2.20 "Армон". Б/ф 2-қисм.  
3.40 "Кўнги қўнқи".  
4.10 "Мўжақсий дунё".  
5.10-6.00 "Тарангум".


## O'ZBEKISTON

06.00 Кўрсатувлар тартиби.  
06.05 "Мисли қавор".  
06.20 "Денгиз ҳуқуқор". Т/с. 42-қисм.  
07.00 "Пойтахт".  
07.30 "Салом, Тоқшент".  
08.30 Тоқшент тароналари.  
08.45 "Уяларим".  
08.50 "Этқазлар". Т/с. 58-қисм.  
09.15 "Интеллектуал аққон".  
09.30 "Пойтахт".  
09.40 Милли сериал: "Умр сфироқлариди". 17-қисм.  
10.10 "Интервю".  
10.20 "Спорт оламида".  
10.30 "Пойтахт" /рус тилида/.  
10.40 "Эрталаб Пуаро". Т/с. 7-чақти.  
11.10 "Кўнги қўнқи". Б/ф.  
11.30 "Салом, Тоқшент".  
11.40 "Дунё" теледастури.  
11.55 "Бизнес-пойтахт".  
12.00 "Этқазлар". Т/с. 59-қисм.  
12.10 "Дизангилди".  
12.10 "Эрталаб ақлар".  
12.25 "Уяларим".  
12.30 Тоқшент тароналари.  
12.45 Милли сериал: "Винни Пух". 7-қисм.  
13.05 "Телдоқлар".  
13.15 "Дунё".  
13.35 "Қамартон". Музиқий дастури.  
13.40 "Пойтахт".  
13.55 "Интеллектуал аққон".  
14.15 Милли сериал: "Умр сфироқлариди". 18-қисм.  
14.30 "Фан ва тарадқид".  
14.35 "Теле-маркет".  
14.40 "Теле-маркет".  
14.45 "Теле-маркет".  
08:30 "Форму хабарлари" кўрсатуви  
08:40 "Муенка вақти" дастури  
09:00 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури  
09:20 "Муҳаббат изтироблари" т/с (06-қисм)  
09:50 "Бизнес-промо"  
10:00 "Жаҳон 24" инфор­ма­цион б­ложи  
10:10 "Аршад" б/ф  
11:45 "Муенка вақти" дастури  
12:00 "24: Ўзбекистон" ахборот б­ложи  
12:10 Кутилмаган томоша  
12:20 "Супер келинчак" теле-шоу  
13:00 "Жаҳон 24" инфор­ма­цион б­ложи  
13:10 "Хавф хатар ёқисиди Прелет риска" б/ф  
15:00 "Форму хабарлари" кўрсатуви  
15:20 Форму вақти  
15:45 "Муенка вақти" дастури  
16:00 "24: Ўзбекистон" ахборот б­ложи  
16:05 "Клон" т/с (197-қисм)  
16:50 "Бизнес-промо"  
17:00 "Хазина" телешоувикторина-си  
18:00 "Янги аълол" студияси на­мо­йи­ш э­тали  
18:10 Мультифилм  
18:30 "Муҳаббат изтироблари" т/с (07-қисм)  
19:00 "Муенка вақти" дастури  
19:20 "Бизнес-промо"  
19:30 "Жаҳон 24" инфор­ма­цион б­ложи  
19:40 "Клон" т/с (198-қисм)  
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури  
21:05 "Борига барака" кўрсатуви  
21:30 "Астерикс ва Обеликс: Клеопатра топширинг" б/ф

### ЭЪЛОН

Тошкент ахборот технологиялари университети томонидан Жаҳонгир НИЁЗОВ номига 2009 йилда берилган 131-07 рақамли талабалик гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

23:45 "Муенка вақти" дастури  
00:00 Тунги кинозал: "Пришелем" б/ф  
02:00 Тунги­н­из хайри бўлсин!

### Пайманба

06:00 "Мумтоз наволар" дастури  
06:30 "Файли тонг" дастури  
08:30 "Форму хабарлари" кўрсатуви  
08:40 "Муенка вақти" дастури  
09:00 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури  
09:20 "Муҳаббат изтироблари" т/с (07-қисм)  
09:50 "Бизнес-промо"  
10:00 "Жаҳон 24" инфор­ма­цион б­ложи  
10:10 "Муҳаббат левори" б/ф  
11:45 "Муенка вақти" дастури  
12:00 "24: Ўзбекистон" ахборот б­ложи  
12:10 Кутилмаган томоша  
12:20 Форму вақти  
12:30 "Чой устида" кўрсатуви  
13:00 "Жаҳон 24" инфор­ма­цион б­ложи  
13:10 "Қасос" б/ф  
15:00 "Форму хабарлари" кўрсатуви  
15:20 Форму вақти  
15:45 "Муенка вақти" дастури  
16:00 "24: Ўзбекистон" ахборот б­ложи  
16:05 "Клон" т/с (198-қисм)  
16:50 "Бизнес-промо"  
17:00 "Хазина" телешоувикторина-си  
18:00 "Янги аълол" студияси на­мо­йи­ш э­тали  
18:10 Мультифилм  
18:30 "Муҳаббат изтироблари" т/с (08-қисм)  
19:00 "Муенка вақти" дастури  
19:20 "Бизнес-промо"  
19:30 "Жаҳон 24" инфор­ма­цион б­ложи  
19:40 "Клон" т/с (199-қисм)  
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури  
20:50 "Бизнес репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури  
21:05 "Антракс" кўрсатуви  
21:30 "Қулаш" б/ф  
23:45 "Муенка вақти" дастури  
00:00 Тунги кинозал: "Пришелем-2" б/ф  
02:00 Тунги­н­из хайри бўлсин!

### Жума

06:00 "Мумтоз наволар" дастури  
06:30 "Файли тонг" дастури  
08:30 "Форму хабарлари" кўрсатуви  
08:40 "Муенка вақти" дастури  
09:00 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури  
09:20 "Муҳаббат изтироблари" т/с (08-қисм)  
09:50 "Бизнес-промо"  
10:00 "Жаҳон 24" инфор­ма­цион б­ложи  
10:10 "Хай ҳай қизилқоқ" б/ф  
11:45 "Муенка вақти" дастури  
12:00 "24: Ўзбекистон" ахборот б­ложи  
12:10 Кутилмаган томоша  
12:20 Форму вақти  
12:30 "25 калр" кўрсатуви  
13:00 "Жаҳон 24" инфор­ма­цион б­ложи  
13:10 "Сирли қитил ниван" б/ф  
15:00 "Форму хабарлари" кўрсатуви  
15:20 Форму вақти  
15:45 "Муенка вақти" дастури  
16:00 "24: Ўзбекистон" ахборот б­ложи  
16:05 "Клон" т/с (199-қисм)  
16:50 "Бизнес-промо"

17:00 "Хазина" телешоувикторина-си  
18:00 "Янги аълол" студияси на­мо­йи­ш э­тали  
18:10 Мультифилм  
18:30 "Муҳаббат изтироблари" т/с (09-қисм)  
19:00 "Муенка вақти" дастури  
19:20 "Бизнес-промо"  
19:30 "Жаҳон 24" инфор­ма­цион б­ложи  
19:40 "Клон" т/с (200-қисм)  
20:30 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури  
20:50 "Бизнес репорт" иқтисодий-таҳлилий дастури  
21:05 "Бизнинг қўлларимиз" кўрсатуви  
21:30 "Астерикс ва Обеликс: Олимпиада ўйнашлари" б/ф  
23:45 "Муенка вақти" дастури  
00:00 Тунги кинозал: "Муҳаббат бизга" б/ф  
02:00 Тунги­н­из хайри бўлсин!

### Шанба

06:00 "Мумтоз наволар" дастури  
06:30 "Файли тонг" дастури  
08:30 "25 калр" кўрсатуви  
09:00 "Худуд" ахборот-таҳлилий дастури  
09:20 "Муҳаббат левори-4" м/ф (1 қисм)  
10:00 "Илтимос мени қирани" б/ф  
11:45 "Муенка вақти" дастури  
12:00 "Дилдор ширин" мусиқий-лам олиш дастури  
13:00 "Қасос: Жонни Илтимос-2" б/ф  
15:00 "Дилдор ахшлар" теле-шоу  
16:20 "Борига барака" кўрсатуви  
16:50 "Бизнес-промо"  
17:00 "Хазина" телешоувикторина-си  
18:00 "Қақтус" б/ф  
19:20 "Бизнес-промо"  
19:30 "Янги аълол" кўрсатуви  
19:50 "Comedy.UZ" теле-шоу  
20:20 "Супер келинчак" теле-шоу  
21:00 "Озош шоу" кўнгилчоар кўрсатуви  
22:00 "Парвоз завоқ" кўрсатуви  
23:00 "Тара-рам-пам" б/ф (Хидистон)  
02:00 Тунги­н­из хайри бўлсин!

### Якшанба

06:00 "Мумтоз наволар" дастури  
06:30 "Файли тонг" дастури  
08:30 "Бунга ҳаёт дейдилар" б/ф  
09:00 "Муҳаббат левори-4" м/ф (2 қисм)  
10:00 "Мушқлар итлари қарин" б/ф  
11:30 "Comedy.UZ" теле-шоу  
12:00 "Озош шоу" кўнгилчоар кўрсатуви  
13:00 "Супер келинчак" теле-шоу  
13:40 "Парвоз завоқ" кўрсатуви  
14:30 "Тара-рам-пам" б/ф (Хидистон)  
16:30 "Парламент сонги" ахборот-таҳлилий дастури  
16:50 "Бизнес-промо"  
17:00 "Хазина" телешоувикторина-си  
18:00 "Антракс" кўрсатуви  
18:40 "Бизнинг объектида" кўрсатуви  
19:20 "Бизнес-промо"  
19:30 "Дилдор ахшлар" теле-шоу  
21:00 "Дилдор ширин" мусиқий-лам олиш дастури  
22:00 "Омадли йиллар" б/ф  
00:45 "Муенка вақти" дастури  
01:00 Тунги кинозал: "Игра" б/ф  
02:00 Тунги­н­из хайри бўлсин!

ТВ-дастурилар «Садо» МЧЖ томонидан тақдим этилди.

**КУВАСОЙГА  
КЕЛИН БЎЛДИ УМИДАХОН**

Ким билан суҳбатлашманг, ўша кизни озгидан бол томиб мактайди. У киз ким бўлди? Қандай оилада туғилиб вояга етганикин? Яхши қизлар ҳақида гап кетса, беихтиёр ана шундай саволлар хаёлда айланади. Ва ниҳоят, хийла вақтлар ўтиб, касб тақозоси боис қизгина билан танишиб олдик.

— Сизга маълумотномани Умидахон беради.

Киз маълумотномани тез ва бехато тайёрлаб берди.

— Қойил, — дедим ёш ходимга далда керак эди. — Барча саволларга жавоблар бор.

Беш-ўн дақиқали суҳбатдан бир олам таассурот қолди. У билан хайрлашдим. Бунча яхши бўлмаса. Камтарлиқнинг меваси — муҳаббат, деганлари айни ҳақиқат. Ундаги энг кўзга ташланган фазилат — камтарлик ва меҳнаткашлик экан. Кейинчалик иш бўйича яна бир неча марта хамсуҳбат бўлдик.

Умидахонда яна кўп фазилатларни кўрдим. Софдил, хушфезл, тўғрисуз, ҳалол, ибодат, биронга ёқинга тиришмайди... Фазилатларини санаб адоғига етолмасдим. Хуллас, ишнинг сифати тинмайини ошиб бориши баробарида Умидахоннинг фазлу хислатлари хам шунга монанди ошиб борди. Қанчалик ўқиб-уқсани, билими ошгани сайин инсон шунчалар ҳокисор, камтарин бўлади, деганлари шунда.

— Тўрт ярим йилда яхши мутахассис бўлиб қолди, — дейишарди жамоадoshлар. — Қайси бахтли қайнонага келин бўларкин?

— Қайси бахти чопган йигитнинг пешонасига шу қизни ёзганикин, денг, — дейди бошқаси. — Тушган жойига бахту барака олиб боради. Илоҳим, бахтли бўлсин...

Чиндан хам кўпчилиқнинг дуоси — кўл. Яқинда, Мустаҳкам оила йилнинг сўнги ойида Умидахоннинг тўйи бўлди. Ташқарида оппоқ қор гупиллаб ёғётган эса-да, "Бибиҳоним" тўйхонаси бамисли баҳор янглиғ яшнаб кетди. Куёв — куёв, келин — ой! Кўз тегмасин, дейсиз. Саодатмандлик, умид ва ишонч эди бу хуштароват тўзаллиқнинг номи.

Тенгингизни тошганингиз рост бўлсин, ишда бахтли бўлганингиздек оилада хам бахтли-тахтли бўлинг, Умидахон!



**Жамиятнинг шоҳ асари —  
ОИЛА**

**ЛАЗИЗЛИК МУБОРАК,  
АЗИЗАБЕГИМ!**

— Тоғажон, мана олинг, ўн минг сўмингиз. Ортиқча бериб юборибсиз.

— Ийе, шундоқ бўлибдимиз? — Таажжубланади отахон кўзойнақларини артаркан. — Қарилк курсин. Кўзойнақ хам ёрдам бермай қоларкан. Кам бўлма, қизалоғим. Худойим бахтингни берсин...

— Раҳмат, — дейди Азизахон ёйлибгина табассум қиларкан. Дуо олиш шундай ёқинли, шундай мароқли. Қанча эшитсанг шунча камдек туюлаверади, ўйлайди у.

Тушлик пайти сув олдида кичикроқ навбат ҳосил бўлади. Азизахон бир четда чойнак-пиделасини ушлаганча тураради ёки ёши каттароқ аёл келиб қолса, "Келинг, мен ювиб бера қолай" деб чойнакка қўл чўзади. Бир зумда ярқиратиб ювилган чойнакни қўлга оларкан аёллар қизга қизиқсиниб қарайдилар ва "Сиз Турғунонинг қизими-

сиз? Бахти-иқболнингиз кулсин. Аяжонингизга ўхшаб чаққонгина, чиройлиқина бўлибсиз", дейдилар.

Яна қизнинг чехрасига ўзига ярашган хандон табассум ёйилади. Каттакатта кўзларида, буёдойранг юзларида масъум бир чирой жилва қилади.

Бундай лавҳалар унинг ҳаётида тез-тез содир бўлиб туради. Мижозлардан,

**"Ўзбектелеком" АҚда  
15 нафар, "Ўзбекистон  
почтаси" ОАЖда 33  
нафар илк марта  
никоҳдан ўтаётган  
йигит-қизларга  
республикамызда  
ўрнатилган энг кам иш  
ҳақининг ўн баравари  
миқдорда моддий  
ёрдам кўрсатилди.**

жамоадoshларидан дуо олиб, раҳмат эшитиб, кўнгли яйрайди. Уни азиз қилган, жамоада ўрнини топтирган — ширинсўзлик, беғуборлик, тўғрилик, меҳнатсеварлик бор бўлсин.

Мустаҳкам оила йилида Азизахоннинг хам тўйларида иштирок этиб, "Кўша қаринлар, ували-жували бўлинглар", дея куёв ва келинлар севиб тинглайдиган энг ёқимли қўшиқларни айтдик.

Энди қизгина фазлу камоллари туфайли оилада хам лазиз ва бахтиёр. Азизлик мақоми сизни сира тарк этмасин, Азизабегим!

"Ўзбектелеком" АҚ ва "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиаллари жамоаларида Умидахон Маҳмудова хамда Азизахон Тешабоевалар каби исми шарифларига муносиб ёшлар қўп. Улар юксак таълим-тарбия кўрганлари, замонавий касб-корларни эгаллаганлари, мустақил фикрлашлари билан барчага ибрат кўрсатишмоқда. Бир-биридан зукко ва доно йигитлар, хусн-малоҳатда, одобда намуна қизларнинг аксарияти Мустаҳкам оила йилида оилаларини бахт пойдеворига қурганлари билан ҳақли равишда фахрланишади. Энг асосийси, умр мобайнида бир марта бўлади-ган никоҳ тўйларида жамоадoshлар қатнашиб, ёшларнинг шодлиқларига шерик бўлдилар. Уларга Яратгандан оилавий бахт тиладилар.

"Ўзбектелеком" АҚда 15 нафар, "Ўзбекистон почтаси" ОАЖда 33 нафар илк марта никоҳдан ўтаётган йигит-қизларга республикамызда ўрнатилган энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдорда моддий ёрдам кўрсатилди. Жамоаларда ёш оилалар, суянчимиз ва таянчимиз бўлган йигит-қизлар ўз оиласини, юртини дунёда тенги йўқ даражада обод қилишга хисса қўшадилар, деган умид ва ишонч устувордир. Юртбошимиз Обод турмуш йили деб номлаган 2013 йилда хам жамоалар Мустаҳкам оила йилида амалга оширилган ёзу ишларни давом эттиришга, қабул қилинаётган Давлат ва тармоқ дастурларини ёруғ юз билан адо этишга аҳд қилганлар.

Хафиза САЛЯХОВА,  
"Xabar"нинг Фарғона вилоятидаги мухбири

● Реклама ва эълонлар

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
куйдаги бўш вакант лавозимларга танлов эълон қилади**

**Кафедра мудир:**

Почта хизматини автоматлаштириш - 1, Чет тиллари - 1, Алоқа қурилмаларининг электр таъминоти - 1, Алоқа линиялари - 1.

**Профессорлар:**

Иқтисод - 1, Фалсафа - 1, Ахборот технологиялари - 1, Ахборот хавфсизлиги - 1, Ахборот технологияларининг дастурий таъминоти - 1, Техник таълим педагогикаси - 1, Ахборот-кутубхона тизимлари - 1, Чет тиллари - 1, Телевидение, радиоэшитириш студиялари ва жиҳозлари - 1.

**Доцентлар:**

Менежмент ва маркетинг - 1, Иқтисод - 1, Почта хизматини автоматлаштириш - 1, Иқтисодиёт назарияси - 1, Фалсафа - 1, Ахборот технологиялари - 1, Компютер тизимлари - 1, Электрон тижорат - 1, Ахборот хавфсизлиги - 1, Ахборот технологияларининг дастурий таъминоти - 2, Информатика - 1, Мултимедия тизимлари - 1, Техник таълим педагогикаси - 1, Ахборот-кутубхона тизимлари - 1, Чет тиллари - 2, Ўзбекистон тарихи - 1, Радиотехника ва радиоалоқа - 1, Радиоалоқа қурилмалари ва тизимлари - 1, Телевидение, радиоэшитириш студиялари ва жиҳозлари - 1, Компютер графикаси ва дизайн - 1, Иқтисод - 1.

тиллари - 2, Ўзбекистон тарихи - 1, Радиотехника ва радиоалоқа - 1, Телевидение ва радиоэшитириш - 1, Алоқа қурилмаларининг электр таъминоти - 1, Электроника - 1, Телекоммуникация узатиш тизимлари - 1, Маълумот узатиш тизимлари ва тармоқлари - 1, Телекоммуникация тармоқлари ва коммутация тизимлари - 1, Электрон занжирлари назарияси - 1, Олий математика - 1, Алоқа линиялари - 1, Телевидение, радиоэшитириш студиялари ва жиҳозлари - 1, Компютер графикаси ва дизайн - 1, Ўзбек ва рус тиллари - 1, Физика - 1.

**Катта ўқитувчилар:**

Менежмент ва маркетинг - 1, Иқтисодиёт назарияси - 1, Фалсафа - 1, Ахборот технологиялари - 1, Компютер тизимлари - 1, Ахборот хавфсизлиги - 1, Ахборот технологияларининг дастурий таъминоти - 2, Информатика - 1, Мултимедия тизимлари - 1, Техник таълим педагогикаси - 1, Ахборот-кутубхона тизимлари - 1, Чет тиллари - 3, Ўзбекистон тарихи - 1, Радиотехника ва радиоалоқа - 1, Радиоалоқа қурилмалари ва тизимлари - 1, Телевидение ва радиоэшитириш - 1, Алоқа қурил-

маларининг электр таъминоти - 1, Электроника - 1, Маълумот узатиш тизимлари ва тармоқлари - 1, Электрон занжирлари назарияси - 1, Олий математика - 1, Телевидение, радиоэшитириш студиялари ва жиҳозлари - 1, Компютер графикаси ва дизайн - 1, Иқтисод - 1.

**Ассистент (ўқитувчи)лар:**

Иқтисод - 1, Фалсафа - 1, Ахборот технологиялари - 1, Компютер тизимлари - 1, Ахборот хавфсизлиги - 1, Ахборот технологияларининг дастурий таъминоти - 2, Информатика - 1, Мултимедия тизимлари - 1, Техник таълим педагогикаси - 1, Ахборот-кутубхона тизимлари - 1, Чет тиллари - 2, Ўзбекистон тарихи - 1, Радиотехника ва радиоалоқа - 1, Радиоалоқа қурилмалари ва тизимлари - 1, Электроника - 1, Телевидение, радиоэшитириш студиялари ва жиҳозлари - 1, Компютер графикаси ва дизайн - 1.

*Арзалаар эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой ичида қабул қилинади. Танловда кўрсатилган лавозимлар бўйича фан докторлари, доцентлар, фан номзодлари ва соҳанинг етуқ мутахассислари қатнашишлари мумкин.*

Манзил: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-ўй. Телефон: 238-64-06.

"UNICON.UZ" ДУК қошидаги Электрон рақамли имзо калитларини рўйхатга олиш маркази (Рўйхатга олиш маркази) 2005 йилдан бери фаолият кўрсатиб келмоқда. Бу ерда рақамли имзо калитларини бериш ва уларга кейинги хизмат кўрсатиш бўйича иш олиб борилади.

Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси)нинг 2005 йилдаги 241-буйруғига кўра, Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази — "UNICON.UZ" ДУК: алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги ЭРИ калитларини рўйхатга олиш маркази; Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг электрон рақамли имзодан фойдаланиш соҳасидаги Ижро этувчи органи сифатида белгиланган.


ЭРИ калитларини Рўйхатга олиш марказининг асосий вазифалари доирасига, қонун ҳужжатларига мувофиқ, куйидагилар кирди:

- ▶ ЭРИ ёпиқ ва очик калитларини яратиш;
- ▶ ЭРИ калитларининг сертификатлари ва уларнинг нусхаларини бериш;
- ▶ электрон ҳужжатларнинг қоғоз шаклдаги нусхасини тасдиқлаш;
- ▶ электрон ҳужжатлардаги ЭРИ ҳақиқийлигини тасдиқлаш;
- ▶ ЭРИ эгаларининг хоҳиши бўйича ЭРИ калитлари сертификатларининг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тиклаш, шунингдек, уларни бекор қилиш процедураларини амалга ошириш;

**ЭРИ калитларини рўйхатга олиш маркази томонидан 140дан ортик давлат ҳамда хўжалик бошқаруви органлари электрон ҳужжат айланиши ва ҳимояланган электрон почта тизимларига уланган.**

# Электрон рақамли имзо

ахборотни муҳофаза қилади



▶ ЭРИ калитлари сертификатларининг реестрини юритиш ва ушбу реестрдан ҳамда қайтариб олинган сертификатлар рўйхатидан эркин фойдалана олишни тақдим этиш.

Бундан ташқари, Марказимиз ЭРИдан фойдаланган ҳолда дастурий маҳсулотларни сотиш билан шугулланади, электрон рақамли имзони жорий қилиш бўйича ишларни бажаради ва электрон рақамли имзони қўллаш ва электрон ҳужжат айланиши соҳасидаги лойиҳа ҳужжатларининг экспертизасини ўтказди, шунингдек, ахборот тизимларини яратишга ёрдам беради ва электрон рақамли имзони қўллашни ўргатади.

Энг асосий вазифамиз Республика аҳолиси, корхоналари ва ташкилотларига ЭРИ калитлари ва калитларининг сертификатларини бериш ҳисобланади. Шунингдек, бизнинг ходимларимиз ЭРИ ривожланиши ва электрон ҳужжат айланиши бўйича норматив ҳужжатлар ишлаб чиқариш ҳамда илмий-тадқиқот ишларини ўтказди.

ЭРИ ва электрон ҳужжат айланиши билан боғлиқ бўлган ахборот хавфсизлиги соҳасидаги тадбирларга алоҳида эътибор берамиз, турли конференциялар ва семинарлар ишида иштирок этамиз.

**Энг асосий вазифамиз Республика аҳолиси, корхоналари ва ташкилотларига ЭРИ калитлари ва калитларининг сертификатларини бериш ҳисобланади.**

Ишимизнинг асосий ютуқлари сифатида электрон рақамли имзoning қўлланиш соҳаси кенгайтирилгани ва Ўзбекистонда электрон рақамли имзо эгаларининг кўпайганини алоҳида кўрсатиш мумкин, бу қисман, бўлимда ишлаб чиқилган тавсиялар ва методларнинг амалда қўлланиши натижаси ҳисобланади.

2011 йилда ЭРИ калитларини рўйхатга олиш маркази томонидан "Ўзбекистон Республикаси электрон ҳужжат айланишининг идоралараро тизимини

яратиш концепцияси" қайта кўриб чиқилди ва такомиллаштирилди.

Бундан ташқари, биз алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги Илмий-тадқиқот ишларини ишлаб чиқиш режаси бўйича, шунингдек, ташқи буюртмачилар (Давлат божхона қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси ва ҳ.) учун ИТИни ишлаб чиқишда иштирок этамиз.

Иш давомида ЭРИ калитларини рўйхатга олиш маркази томонидан ЭРИ ва электрон ҳужжат айланиши масалаларига бағишланган бир нечта норматив ҳужжатлар, шу жумладан, давлат стандартлари, низомлар, раҳбарий ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Бугунги кунгача ушбу йўналишда норматив ҳужжатларнинг кейинги ишлаб чиқилиши давом этмоқда. Шунингдек, ЭРИ калитларини рўйхатга олиш маркази томонидан "Электрон ҳужжат айланиши тизимлари учун ахборотни муҳофаза қилиш дастурий комплексини ишлаб чиқиш" илмий-тадқиқот иши ўтказилмоқда.

**Нодир ПАРШИЕВ,**  
ЭРИ калитларини рўйхатга олиш марказларининг ривожланишига ёрдам бериш хизмати бошлиғи

## ФАКТ

**А**втомат телефон станциясини Канзас-Сити (АҚШ)даги дафни этиш бюроси директори Алмон Стружер ўйлаб топган. Ихтирочининг айтишича, унинг корхонасига телефон қўнғироклари негадир камайиб кета бошлайди. Кейин билеа, маҳаллий телефончи аёл аксарият қўнғирокларини эрининг корхонасига — Стружернинг рақибига йўналтираётган экан. Бу ҳолат унда телефончиларни автоматларга алмаштириш керак, деган фикрини тугдирди. 19 аер охирларига келиб, Стружер тегишли патентларни қўлга киритди ва АТСларни ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйди.



## TANLOV

# Йилнинг энг фаол китобхони

Тошлоқ туман иқтисодиёт коллежи ахборот-ресурс марказида "Нуроний" жамғармаси туман кенгаши, маданият ва спорт ишлари бўлими ҳамкорлигида "Йилнинг энг фаол китобхони" мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Унда маънавий озуқа ҳисобланган китоб тарғиботига алоҳида ўрин берилди, китобхонлар томонидан она Ватан, истиқлол, бахтли ёшлик мадҳ этилган шеърлар ўқилди. Иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси Садоқат Аъзамова, марказ тармоқларининг фаол китобхонлари — Дилоромхон Муродова, Мадинахон Жўраева, Мафтуна Эсоновалар "Китобнинг ҳаётимиздаги ўрни" мавзусидаги билимдонлик синовида беллашдилар, ўзлари мутолаа қилган китоблар асосида сахна кўринишларини ижро этдилар. АРМнинг 5-тармоқ фаол китобхони Мафтуна Эсонова "Йилнинг энг фаол китобхони" деб топилди.

Ғолибларга "Нуроний" жамғармаси туман бўлими, "Камолот" ЁИХ туман кенгаши, маданият ва спорт ишлари бўлимининг эсдалик совғалари топширилди.

Мухаммадjon МАХМУДОВ

Мамлакатимизда 10та ЭРИ калитларини рўйхатга олиш марказлари фаолият кўрсатмоқда.



## FOYDALI SAYTLAR

## INTERNET-SABOQ

Аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, қонунчилик ҳужжатларидан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиши имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган Lex.uz сайти ўзнетнинг энг фойдали сайтларидан бири ҳисобланади.

# LexUz

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси


### LexUzдан ФОЙДАЛАНИШ УЧУН НИМА КЕРАК?

LexUz фойдаланувчиларга интернет орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни олишга имконият яратади. Тизимдан фойдаланиш учун интернетга уланган компьютер (ёки бошқа ускуналар) бўлиши керак.

Ҳужжатлардан фойдаланиш учун рўйхатдан ўтиш мажбурий эмас. Рўйхатдан ўтиш тизимдаги қўшимча имкониятлардан фойдаланиш учун зарур.

### LexUzда ҚАНДАЙ МАЪЛУМОТЛАРНИ ТОПИШ МУМКИН?

LexUz фойдаланувчилари тизимдан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни топиши мумкин. Улар орасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, кодекслари ва қонунлари, Ўзбекистон Респуб-



ликаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармонлари, Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтган идоравий норматив-ҳужжатлар, Конституциявий суд, Олий суд ва Олий ҳўжалик суди пленумлари қарорлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари, техник ва бошқа турдаги ҳужжатлар мавжуд.

### LexUzнинг БОШҚА ТИЗИМЛАРДАН ҚАНДАЙ АФЗАЛЛИКЛАРИ БОР?

Ўзбекистонда ҳуқуқий-норматив ҳужжатларни тарқатувчи бир неча дастурлар мавжуд. LexUz улардан қуйидаги афзалликлари билан ажралиб туради:

**Мобиллик.** LexUz тизимдан дунёнинг исталган

жойидан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун фақат компьютер (ёки бошқа ускуналар) ва интернет тизими керак бўлади. Қўшимча ҳеч қандай дастур ўрнатиш зарур эмас.

**Қулайлик.** Бошқа мавжуд дастурларни доимо янгилаб бориш лозим, бу эса фойдаланувчилардан қўшимча маблағ ёки вақт талаб қилади. LexUz тизимдан фойдаланувчи бу ҳақда бош қотиришига ҳожаат йўқ.

**Ишонччилик.** LexUz тизими Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига тегишлидир ва бу тизимга маълумотлар фақат расмий манбалардан киритилиши ишонччилигини таъминлайди.

**Бепуллик.** 2010 йил 1 январидан бошлаб барча фойдаланувчилар Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан текин фойдаланадилар.

## 2-DARS.

### Internet Explorerda ishlash

Internet Explorer internetdan yangi axborotlarni qidirish hamda o'zingiz tanlagan veb-sahifalarni ko'rish uchun mo'ljallangan maxsus dasturdur.

● **Internet Explorer dasturini ishga tushirish uchun "Пуск" tugmasini bosing**

● **Paydo bo'lgan menyudan Internet Explorerni tanlang**  
Shundan so'ng Internet Explorer oynasi ochiladi. Internet tarmog'idan biror-bir veb-sahifani ochish uchun "Адрес" maydoniga zaruriy sahifaning manzilini yozish kerak. Masalan: www.ziyounet.uz manzilini yozing va "Переход" (yoki Enter) tugmasini bosing. Shundan so'ng Internet brauzer oynasiga manzili ko'rsatilgan veb-sahifa yuklanadi.



Sinov uchun yana biror-bir manzilni kiriting, masalan: www.uz va "Переход" (yoki Enter) tugmasini bosing. Natijada brauzer oynasida O'zbekiston milliy qidiruv tizimi veb-sahifasi yuklanadi.

### Internet Explorer uskunalar paneli

Internet Explorer dasturi uskunalar paneli veb-sahifalar bilan ishlashga mo'ljallangan bir qator tugmalarni o'z ichiga olgan, bular:



● **"Назад"** — oldingi sahifaga qaytish, ushbu tugmani bosish orqali ketma-ket oldingi ko'rilgan sahifalarga qaytish mumkin.

● **"Вперед"** — navbatdagi sahifaga o'tish, bu tugma oldingi sahifalarga qaytilgan taqdirda yana oxirgi ko'rilgan sahifagacha o'tish vazifasini bajaradi.

Agar joriy seans vaqtida ko'rilgan oxirgi o'nta sahifadan birortasiga tezkor o'tish zarur bo'lsa, u holda "Назад" yoki "Вперед" tugmalari yonidagi ko'rsatkichni bosing, undan keyin ro'yxatdan kerakli sahifani tanlang.

● **"Остановить"** — yuklashni to'xtatish, Internet Explorer dasturi oynasiga yuklanayotgan sahifalarni to'xtatish uchun mo'ljallangan.

● **"Обновить"** — yangilash, qayta yuklash, ushbu tugmani bosish orqali sahifalarni qayta yuklash mumkin.

● **"Домой"** — uy sahifasini ochish, bu tugmani bosish orqali uy sahifasi sifatida belgilangan veb-sahifani yuklash mumkin.

Ko'pincha tez-tez murojaat qilib turiladigan sahifalar uy sahifasi etib belgilanadi va u har safar Internet Explorer dasturi ishga tushganida yoki uskunalar panelidan "Домой" tugmasi bosilganda yuklanadi.

Bu haqda kelgusi darsimizda batafsil to'xtalamiz.

Дарслар Тошкент ахборот технологиялари университети мутахассислари томонидан тайёрланган

## YANGILIK

### Рўйхатга олувчиларга

доменларни мустақил равишда фаоллаштириш имкони берилди

Шу йилнинг 15 январидан бошлаб .UZ домени рўйхатга олинувчиларига доменларни мустақил равишда фаоллаштириш имкони берилди. Бунга қадар доменни фаоллаштириш учун .UZ домени худуди маъмуриятининг тасдиғи талаб этиларди.

.UZ домени худуди маъмурияти мутахассисларининг эътироф этишича, бундай йўл тутилиши доменларни бошқаришда тезкорликни ошириш имконини беради.

Ўзбекистон домен худудида айни вақтда 15,8 мингдан ортиқ фаол доменлар мавжуд. Рўйхатга олувчилар сони эса 11тани (6 компания ва 5 худудий компютерлаштириш марказлари) ташкил этади.

### Хўжалик судларига

интернет орқали мурожаат қилиш мумкин

2013 йил 1 январидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари хўжалик судларига аризалар ва илтимосномаларни электрон кўринишда тақдим этиш ҳуқуқига эга бўлишди.

Аризаларни қабул қилиш бўйича марказлашган электрон дастурий таъминот ишга туширилди ва "Хўжалик судларига даъво аризалари ва илтимосномаларни электрон тарзда тақдим этишнинг вақтинчалик тартиби" ишлаб чиқилди.

Ариза ёки илтимосномани Олий хўжалик судининг расмий сайтга (economical-court.uz) юбориш мумкин. Жўнатилган хабар ҳақидаги маълумотларни "Электрон қабулхона" бўлимида кўриш мумкин.

## REKORD

.UZ домени маъмурияти ходимлари ўзига хос янги рекордни қайд этишди: 2012 йилнинг декабр ойида узайтирилган доменлар сони — **713**тани ташкил этди.

# Отам чопар эди

— дея хотирлайди Ўғилой момо

Бир парча нонга зор кунларни ўз кўзи билан кўрган Ўғилой момо вақтида мактабда ўқий олмади. У пайтларда ҳозиргидек ҳашаматли мактаблар қайда эди. Болалар яшаш масканларидан анча узоққа қатнаб ўқирдилар. Оғир даврларда узоққа боришга отулов йўқ, боз устига усти-боши юпун болалар қорнининг гамидан бошқасини ўйлай ҳам олишмасди.

Қарши шаҳрининг Чакар маҳалласида ўсиб-улғайган Ўғилой Салоҳиддинова ўтган асрнинг 35-45 йилларида бошидан кечирган азобларни ҳамон яхши эслайди. 1946 йилда урушдан соғ-омон қайтган Мусурмон Каландаровга турмушга чиққач, турмушида бўлган ўзгаришлар ҳам хотирасида.

Ўғилой момо 1927 йилда таваллуд тоқди. Ота-онасининг 14 нафар фарзандидан ўн нафари болалик даврида вафот этган. Икки ўғил, икки киз яшаб қолишганди. Мактабда 6-синфгача ўқиди. Уруш йилларида мактаб биноси госпиталга айлантирилганлиги сабабли, ўқувчилар ўқишларини саводли кишилар хонадонидан давом эттиришди. Ўғилой момо мусикали драма театрига ишга кирганида, 13 ёшда эди. Томошага келганларга назоратчилик қилди, спектакллардан сўнг томоша залини супуриб тозалаш, йиғиштириш ишларини бажарди. Оммавий сахналарда иштирок этди. 1946 йилдан сўнг, яъни турмушга чиққач, тикувчилик фабрикасида, ўрта мактабда ишлади. Турмуш ўртоғи билан етти нафар фарзандни тарбиялаб, маълумотли қилди.

Истиқлол Ўғилой момодек вақтида тузук мактаб кўрмаган, қалби эзгуликка интилиб яшаган онахонларнинг тилаклари, қалб истақларини рўёбга чиқарди. Фарзандлари турмуш қуришди. Қизлари Раима тadbirkорлик, Рашида шифокорлик, ўғиллари Исодулло ва Асадуллолар муҳандислик касбини эгалладилар. 20 нафар набира, 47 чевара, бир нафар эваралик бўлган Ўғилой момо ўғли Асадулло билан неварачеваралари курсовида бахтли ҳаёт кечиряпти. Маҳаллада қурилган бир-биридан шинам уйлар, замонавий мактаб, шифохо-



на, қатор савдо дўконлари, одамларнинг фаровон яшаш мومони завқландиради. Шундай саодатли турмуш, беками-кўст ҳаётга ҳавас қилмай яшаб бўларканми? 86 ёшни қоралаган Ўғилой момо бугун ўзини бахтли ҳис қилади.

— Осмонимиз тинч, Ватанимиз обод

**Ўғилой момонинг шукур қилганича бор. Инсон учун Ватаннинг тинчлиги, юртнинг ободлигидан улғурок нимаям бор? Осойишта масканда соғ-омон яшаётган кишининг турмуши, албатта, фаровондир.**

бўлсин, уни ёмон кўзлардан худо асрасин. Шундай бахтли ҳаёт ҳеч биримизнинг хонадонимизни тарк этмасин, — дейди шукроналик билан онахон.

Ўғилой момонинг яхшигина овози бор. Театрда ишлаб юрган кезлари "Тоҳир ва Зухра", "Фарход ва Ширин", "Нурхон" ҳамда бошқа мусикий асарлардаги кўшиқларни ёд олганди. Оилавий давраларда яқин вақтларгача ашулалар хиргойи

қиларди. Отаси Салоҳиддинни маҳалладошлари Мирзо Салоҳиддин, Салоҳиддин хофиз деб чақиринган. У киши Бухоро амири саройида танбур чертиб хофизлик қилган. Қарши — Бухоро ораллиғида чопарлик вазифасини ҳам бажарган. Қаршидан Бухорога хат-хабарлар элтган. Амирлик емирилгач, шўролардан тузилган ҳукумат гуруҳи уларнинг оиласини тинтув қилиб, кўзга кўринган мол-мулкларни олиб кетган.

— Эсимда, жуда ёш эдим, оғир йиллар эди, — дея эслайди Ўғилой момо. — Совуқ кунларнинг бирида бир неча киши уйимизга келиб, тинтув қилишди. Отамнинг қиммат, чопарликка берилган шамширини, хумдон, заргарлик буюмларимизни олиб кетишди. Онам жимжимадор тикилган, олди-орқаси тошлар билан, тиллодек ипақлар билан безатилган нимчани менга тескари кийдирди. Кейин билсам, уларнинг кўзига ялтираб кўринмаслиги учун шундай қилган экан. Отам хон саройида хизмат қилса-да, ўртача кун кечирардик. Отам уруш бошланган йиллари салкам юз ёшда вафот этган. Ўн фарзандини олдинма-кетин ерга қўйгач, мени ўғилларимнинг ўрнини боссин дея, Ўғилой деб аташган. Давлатимиз раҳбари янги йилимиз Обод турмуш йили бўлади, деб айтди. Турмушимиз аянам яхшиланиб, обод бўлаверсин, илойим!

Ўғилой момонинг шукур қилганича бор. Инсон учун Ватаннинг тинчлиги, юртнинг ободлигидан улғурок нимаям бор? Осойишта масканда соғ-омон яшаётган кишининг турмуши, албатта, фаровондир.

Афтовдил ИСМОИЛОВ



## HAMKASBLARIMIZ

аҳолига сидқидилдан сифатли алоқа хизмати кўрсатиб, тармоғимизнинг фахрига айланган. Шунингдек, Раҳима Мусаева, Татьяна Кушова, Гулчехра Бақоева, Раҳматилла Ортиқов, Барно Тоғаева, Зумрад Пулатова, Сурайё Мирзаева, Мархабо Нарзуллаева, Феруза Очилова, Ўринбосарим Шухратжон Ҳақимов, бош ҳисобчи Қилич Расулов, йўриқчи Анвар Тўраевлар номларини ҳам алоҳида тилга олам.

Фароғат Ҳамроева сарамжон-сарашта уй бекаси. У уч фарзанднинг онаси ва уч набиранинг сеvimли бувижонисидир.

Ш.ҒАЙРАТОВ  
Самарқанд вилояти

## АЛОҚАЧИ-МУҲАНДИС ШОИР

Солиҳ Ҳайитовдаги адабиётга, шеърятга бўлган ҳавас ёшлигидан оқ уйғонган. Дастлабки шеърларининг тугилишида унга маслақдош бўлган акаси — қадимшунос, мумтоз шеърят билимдони Иззат Бекмуродов укасидаги қобилиятни тўлқинлантириш борасида бутун кучини аямади.

Мактаб микёсида бўладиган адабий кечалар, мушоираларнинг ташкилотчиси ва бошловчиси ҳамisha Солиҳ ака бўларди. Аста-секин унинг илк шеърлари ўша давр матбуот нашрларида тез-тез ёритилиб, ўқувчилар томонидан сеvim ўқиладиган бўлди. Каттакўрғон шаҳридаги 2-ўрта мактабни тамомлаган С.Ҳайитов Тошкент алоқа техникумига ўқишга кириб, ўқиш билан бирга иқодни ҳам изчил давом эттирди. Билим юртини муваффақиятли тамомлагач, бир неча туман алоқа бўлимларига бошчилик қилди, сўнгги ўн йилдан ортиқ меҳнат фаолияти давомида эса шахар техника эксплуатацияси ташкилотига муҳандис вазифасида ишлади.

Солиҳ ака жуда камтар инсон эди. Айни шу фазилати унга йиғилиб қолган шеърларини алоҳида тўплам ҳолида чоп эттиришга йўл бермаслигини барчамиз ҳис қилардик. Ҳозир у киши орамида йўқ. Аммо унинг қаламига мансуб ўйноқи лирик шеърлар доим биз билан биргадир.

Ғайрат ШУКУРОВ,  
журналист

## Созанда қизга

Ёқимли куйларни эшитдим тақрор,  
Гўзал қиз чалавер, топибсан камол.  
Жонахон Ватанда ҳамма бахтиёр,  
Шодлик, бахт элчиси дуторингни чал.

Чўлу биёбонлар тамом йўқолди,  
Мангу чаманзорлар Ватан ва инсон.  
Мунгли куй ўрнини тантана олди,  
Сенинг куйларингнинг довуғи дoston.

Янгиер боғида бошланди ўйин,  
Ҳаёт оҳангларин эй дилрабо, черт.  
Шижоатли ёшлар куйинг тингласин,  
Шу куйла чўлларни яна обод эт!

Солиҳ ҲАЙИТОВ



Фароғат етуқлик аттестатини қўлга олиши биланоқ Каттакўрғон шаҳар алоқа бўлими бошлиғига учрашди. Алоқа бўлими раҳбари нозиккина, фикрини қисқа, аммо лўнда қилиб ифодалайдиган қизчадан келажакда ўз касбини қалб ҳарорати-ла уддалайдиган алоқа ходими кишига умид боғлаб, уни операторликка ишга қабул қилди.

## Фароғат

Иш бошқа, ўқиш бошқа, деган хикматда ҳақиқат мужассам. Фароғатнинг ҳам ўрта мактабда олган билимлари анча қўл келиб, ўзининг тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги билан жамоанинг обрўли ходимига айланди. 1988 йил Тошкент алоқа техникумига ўқишга кириб, уни муваффақиятли тугаллади.

— Ҳеч қачон ишимдан зериккан эмасман, — дейди биз билан суҳбатда Фароғат Ҳамроева. — Бугунги мактабда

мизда турган энг муҳим вазифа — корхона ва ташкилотлар, аҳолига замонавий технологиялар ёрдамида тезкор, сифатли хизмат кўрсатишдир.

Фароғат Ҳамроеванинг ана шу талаблар асосида алоқа соҳасида фаолият юритаётганига 40 йилга яқин вақт ўтибди.

— Фароғат Ҳамроева, — дейди Каттакўрғон шаҳар ПАТ бошлиғи Дилором Тоирова, — кунни тунга улаган холда

# Дарахт бир жойда кўкаради

Ён-атрофимизда яхши инсонлар кўп. Улар билан мулоқот қилсак, қалбимизга ёруғ нур инади, илиқ туйғулардан беихтиёр табассум пайдо бўлади. Биз ҳикоя қилаётган латофат ва матонат соҳибаси Бобур номидаги Андижон вилояти ахборот-кутубхона марказида узоқ йиллардан бери ишлаб келаётган ҳамкасбимиз Насибохон ҚОСИМОВАдир.



фаолият юритиб келмоқда.  
Насиба опа муомала маданиятини мукаммал эгаллаган тили ширин инсон. У кирган даврада файз пайдо бўлади. У ҳозиржавоблиги, масъулиятлилиги, бугунги ишни эртага қўймаслиги, ходимларнинг интизомини мунтазам назорат қилганлиги билан раҳбарлар ишончини оқлади ва 1993 йилдан бошлаб кадрлар бўйича инспектор вазифасида иш юритмоқда.  
Насиба опа АКМнинг аҳолига замонавий янги технологиялар билан хизмат кўрсатиш малакасига эга юқори малакали кадрлар билан таъминланиши, ижро интизومي яхшиланиши, фойдаланувчиларга сервис хизматлари жорий этилишида жонбозлик кўрсат-

моқда. Бу АКМнинг янги қиёфасини яратилганда асосий мезонлардан биридир.  
Ўз ишининг фидойиси Насибохон Қосимова ҳалол меҳнатлари эвазига 2008 йил Бобур номидаги вилоят ахборот-кутубхона марказининг 100 йиллик тўйи арафасида соҳанинг "Ўз касбининг устаси" кўкрак белгиси билан тақдирланди.  
АКМ жамоаси шу кунларда муборак 50 ёшни қаршилаётган Насибохон Қосимовани таваллуд айёми билан табрик-лаб, мустаҳкам соғлик, узоқ умр ва келгуси ишларида муваффақиятлар тилайди.

Хаёт шундай серҳиммат, шундай савоатлики, у китоб аталмиш бебаҳо бир мўъжизани инсониятга тухфа этган. Чинакам ижодкорлар, маърифатпарварлар китобнинг кадрини доимо баланд кўйганлар. Насибохон ҳам ўқиб жараёнида олган билимларини давм эйтириш мақсадида 1980 йили илм мас-

кани, китоблар оламини ўзида мужасам этган Бобур номидаги вилоят илмий-универсал кутубхонасига котиба вазифасига ишга келди.  
Насиба опа ўзининг касби ва ишига бутун меҳрини, борлигини бағишлади. Дарахт бир жойда кўкаради, деганларидек, 32 йилдан буён шу марказда

**Бобур номидаги Андижон вилояти АКМ жамоаси**

## Соҳа кубоги финалчилари

Ўзбекистон Республикаси алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат кўмитаси ҳамда Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюмлари марказий кенгашининг футзал бўйича кўчма кисторини учун мусобақаларнинг саралаш босқичи яқунланганидан хабарингиз бор.

**Куйда ушбу саралашлардан муваффақиятли ўтган жамоалар таркиблари билан таништирамиз.**

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали

№	Ф.И.Ш	Тутилган йили	Иш жойи ва даражаси
1	Хасанов Алишер	1971	Фарғона шаҳар 19 а/б хабарчиси
2	Маҳмудов Жасур	1983	Фарғона шаҳар 9 а/б хабарчиси
3	Ғошинов Сардор	1987	Фарғона шаҳар 7 а/б хабарчиси
4	Жалолов Дилмурод	1991	Фарғона шаҳар 14 а/б хабарчиси
5	Каримов Баҳромжон	1972	Боголов тумани Дўрмонча а/б хабарчиси
6	Қурбонов Нурмағ	1982	Боголов тумани Ултарма а/б хабарчиси
7	Юлчинов Қўлжарон	1985	Боголов тумани ПАТЖБ
8	Аскарнов Санжар	1990	Боголов тумани Қашқари а/б хабарчиси

"Ўзбекистон" АК Тошкент филиали

№	Ф.И.Ш	Тутилган йили	Иш жойи ва даражаси
1	Анорқулов Ёқуб	1982	Фидиал АМТС бошқис
2	Ўролов Аياز	1986	Фидиал муҳандиси
3	Одинаев Зоир	1984	Фидиал муҳандиси
4	Иброҳимов Абдулҳафиз	1984	Ангрет ТБ электромонтёри
5	Мамадвалиев Ҳабиб	1977	Ангрет ТБ электромонтёри
6	Зокиров Музаффар	1976	Ангрет ТБ электромонтёри
7	Ҳамидов Зоир	1969	Фидиал муҳандиси
8	Абдиев Лазиз	1990	Олмаоқ ТБ кабелчиси
9	Қодиров Абдуқоул	1984	Зангиота ТБ электромонтёри
10	Райнов Ёқуб	1984	Фидиал ҳуқуқшуноси
11	Исломов Абдусамитқўжа	1964	Фидиал директори
12	Смаилов Бахт	1983	Ихтисод бўлими бошқиси

"Ўзбекистон" АК Бухоро филиали

№	Ф.И.Ш	Тутилган йили	Иш жойи ва даражаси
1	Мирусев Набижон	1983	Фидиал КҚБ ставка муҳандиси
2	Тошев Маруфжон	1987	Фидиал ТР№ЭҚБ 2-тоифали муҳандиси
3	Исмаилов Комол	1989	Фидиал ИБ ставка юстици
4	Бобомуродов Қобил	1989	Фидиал ТХҚК 2-тоифали муҳандиси
5	Раҳиев Фаруқ	1989	Фидиал маркетинг бўлими мутахассиси
6	Яхшиев Аликгон	1992	Фидиал диспетчерлик хизмати муҳандиси
7	Заҳиров Асмал	1989	Фидиал ставка муҳандиси

ОАТ "Алоқабанк" Наманой филиали

№	Ф.И.Ш	Тутилган йили	Иш жойи ва даражаси
1	Аҳмедов Авазбек	1986	Пул муомаласи бўлими мутахассиси
2	Анчилов Аياز	1989	Ҳисоб амалиёти бўлими мутахассиси
3	Эшқуватов Жасмин	1988	Ахборотлаштириш бўлими мутахассиси
4	Йўлдоғов Воҳид	1990	Омбор мухбири
5	Ҳасанов Ойбек	1986	Пул муомаласи бўлими бошқис уринбосари
6	Аманов Фаруқ	1990	Пластик картчалар бўлими мутахассиси
7	Юлдашов Фаҳриддин	1990	Кредит бўлими 1-тоифали мутахассиси

"Ўзбекистон" АК Қашқадарё филиали

№	Ф.И.Ш	Тутилган йили	Иш жойи ва даражаси
1	Бобоев Баҳрамир	1979	Фидиал АХБ бошқис
2	Қурбонов Темура	1988	Фидиал ижро интизому муҳандиси
3	Иргашев Тимур	1984	Фидиал ҳисоб-китоб бўлими ҳисобчи
4	Туракулов Шербек	1987	Бешкент ТҚБ ягона ойна менежери
5	Амонов Ҳамроқул	1991	Фидиал маркетинг хизмати муҳандиси
6	Аҳмедов Жаҳонгир	1988	Бешкент ТҚБ ягона ойна агенти
7	Эргашев Бекзод	1985	Шаҳрисабз ТҚБ кабел таянмачлигини
8	Жураев Уктам	1972	Касби ТҚБ бошқис
9	Давлатов Нозимжон	1972	Қосон ТҚБ ШТТ муҳандиси
10	Ҳайитов Олим	1977	Нижон ТҚБ ШТТ элксромхонасига

ТАТУ

№	Ф.И.Ш	Тутилган йили	Иш жойи ва даражаси
1	Жураев Лазиз	1976	Декан муовини
2	Семенов Александр	1955	Кабинет муdiri
3	Исмаилов Дамир	1984	Ассистент
4	Исмаилов Марат	1975	Лаборант
5	Кучеров Марк	1990	Лаборант
6	Нариев Носир	1985	Ассистент
7	Аҳмедов Жавоб	1978	Китта лаборант
8	Назиров Аياز	1989	2-босқич магистри
9	Сиддиқов Жаҳонгир	1989	2-босқич магистри
10	Бекмуратов Фаруқ	1989	1-босқич магистри

"ШТТ" филиали

№	Ф.И.Ш	Тутилган йили	Иш жойи ва даражаси
1	Жонқоқов Жамшид	1977	Бош диспетчер
2	Чориев Бахтиёр	1969	Етаки муҳандиси
3	Турсунов Алишер	1978	Бош ҳисобчи
4	Қочқариев Сарвар	1974	Бўлим бошқис
5	Муҳаммадиев Шавкат	1976	Электромеханик
6	Исқандаров Мирзохидой	1991	Оператор
7	Фахриддинов Шамсидин	1986	Мутахассис
8	Камолов Фаруқ	1979	278-АТС монтёри
9	Эргашев Шерзод	1979	Монтёр
10	Эргашев Аҳмаджон	1981	Инструктор
11	Қудрийшов Рашид	1986	270-АТС кабелчиси
12	Гузиев Хусниддин	1988	МСС кабелчиси

Билан

№	Ф.И.Ш	Тутилган йили	Иш жойи ва даражаси
1	Абдураҳмонов Асан	1980	"Unitel" мутахассиси
2	Алимов Аҳмад	1985	"Unitel" мутахассиси
3	Аббасов Шерзола	1987	"Unitel" мутахассиси
4	Назиров Жамшид	1990	"Unitel" мутахассиси
5	Назирхонов Даврон	1982	"Unitel" мутахассиси
6	Салаҳитдинов Жўрият	1981	"Unitel" мутахассиси
7	Чечин Евгений	1986	"Unitel" мутахассиси
8	Стано Андрей	1981	"Unitel" мутахассиси
9	Ҳамраев Андрей	1987	"Unitel" мутахассиси
10	Янгитбаев Улуғбек	1987	"Unitel" мутахассиси
11	Ҳасанов Зафар	1981	"Unitel" мутахассиси
12	Шайхенов Евгений	1988	"Unitel" мутахассиси

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ

№	Ф.И.Ш	Тутилган йили	Иш жойи ва даражаси
1	Нуралиев Дилмурод	1983	"Тошкент почтаси" филиали бош хисобчиси
2	Матажубов Мирза	1976	ИТП№ТБ бошқис уринбосари
3	Раҳимов Баҳрамир	1965	"Тошкент почтаси" ПАТ оператори
4	Муҳаммадиев Фаҳриддин	1987	"Тошкент почтаси" ПАТ оператори
5	Умаров Ботир	1980	"Тошкент почтаси" ПАТ оператори
6	Шокаримов Шавкат	1985	"Тошкент почтаси" техник
7	Содиқов Шавкат	1980	"Тошкент почтаси" ПАТ оператори
8	Ботирбеков Даврон	1986	"Тошкент почтаси" бўлим бошқис
9	Фазиллов Файзулло	1991	"Тошкент почтаси" муҳандиси
10	Алимов Жаҳонгир	1983	"Тошкент почтаси" ТЦ бошқис
11	Исмаилов Музаффар	1986	Бухгалтерия бош мутахассиси
12	Абдуллаев Тоир	1986	"Тошкент почтаси" ПАТ оператори

"БРМ" филиали

№	Ф.И.Ш	Тутилган йили	Иш жойи ва даражаси
1	Маликов Шўҳрат	1976	Бўлим бошқис
2	Шарипов Мирсултон	1982	Бўлим бошқис
3	Муҳаммадиев Аياز	1985	Бўлим бошқис
4	Аширов Ашвар	1982	1-тоифали мутахассис
5	Шорамсаров Жасур	1984	1-тоифали мутахассис
6	Алимов Фаруқ	1988	1-тоифали мутахассис
7	Ҳафиев Сарвар	1984	2-тоифали мутахассис
8	Алиев Закирилло	1991	2-тоифали мутахассис
9	Муҳаммадиев Бегзод	1984	1-тоифали мутахассис
10	Магдиев Шаҳноз	1988	1-тоифали мутахассис
11	Обидов Тимур	1988	2-тоифали мутахассис
12	Исқандаров Эркин	1988	2-тоифали мутахассис

ТАТУ 2-академик даражаси

№	Ф.И.Ш	Тутилган йили	Иш жойи ва даражаси
1	Уроқов Шавкат	1973	Директор
2	Абдурахмонов Баҳромжон	1975	Кафедра муdiri
3	Мамадиев Ойбек	1985	Иформатика фани ўқувчис
4	Исабаев Тимур	1980	Жисмоний тарбия раҳбири
5	Боймуратов Асқарали	1988	Математика фани ўқувчис
6	Эшонқулов Миросол	1983	Ўзбек тили фани ўқувчис
7	Пирматов Баркамолжон	1987	Иформатика фани ўқувчис
8	Бўрибоев Зорид	1989	Кассир

"ТТТ" филиали

№	Ф.И.Ш	Тутилган йили	Иш жойи ва даражаси
1	Аҳмедов Баҳром	1983	ИЧХХ бошқис
2	Қаршиев Аҳмаддин	1988	4-болама ўқувчис
3	Сулеймов Муртоза	1981	8-болама электромонтёри
4	Ҳолматов Акмал	1985	4-болама электромонтёри
5	Юнусов Рустам	1991	Ҳайковчи
6	Риксиев Илҳом	1992	1-болама электромонтёри
7	Шарафиддинов Азамат	1982	4-болама электромонтёри
8	Урманов Камолддин	1987	Ҳайковчи
9	Носиров Санжар	1991	8-болама электромонтёри
10	Абдуганиев Санжар	1985	ТТМ ва БХ бошқис
11	Қурбонов Хуршид	1987	ИЧТЛ муҳандиси

# Сканворд

Тузувчи С.ТЕМИРОВ

Туман (Сидорé в), Устилийим, чакмон, Хонаки гул, Йирик илон, "Кизил ва..." (роман), Пишлоқ тури, Шахар (Франция), Лорка Федерико, Канада пойтахти, Валюта, Нора-симха..., Сон, Огоҳлик сигнали, Занги... Чупон, Бонапарт, F(кимё), Пугачева, Сув (лотинча), Швейцария пойтахти, Лоран..., Компютердаги маълумот, "Найтилус" капитани, Чүри, Ромео, Инглиз бастакори, Инкор, Харбий қисм, Ошхона буюми, Туркиядаги гул, Жейн..., Латвия пули, Мақтов шеър, Дастор, Россиядаги дарё, Ветнам тагаси, Навоий асари қахрамони, Туплонча русуми, Рус рассоми, Спорт фирмаси, Бендер, ибодат-хонаси (А.Кристи), Шахмат сипохи

Уй жихозларида фломастердан чизиклар пайдо бўлган бўлса, уларни ўсимлик ёни ёрдамида артиб кетказиш мумкин. Бу тавсияни юмшоқ мебелларни тозалашда қўллаб бўлмайди.

Оқ юнгли либосларни эса манний ёрмаси ёки крахмал ёрдамида тозалаш мумкин. Бунинг учун крахмал ё манний ёрмасини либосга қўллар ёрдамида ишкалаб, сўнг яхшилаб қоқиб ташлаш лозим. Бу усул ёрдамида оқ рангдаги чарм, лайкрали қўлқопларни ҳам тозалаш мумкин.

Палтодаги янги ёғ доғини туз ёки ун ёрдамида тозалаш мумкин. Доғ устига ун ёки туз сенилгач, бир неча дақиқадан кейин салфетка ёрдамида артиб олиш керак.

Кўзойнакдаги майда болтлар чиқиб кетмаслиги учун уларга рангсиз тирнок бўёғи (лак) суртиш тавсия этилади.

Чармдан тикилган оёқ кийимларини тозалаш учун вазелиндан фойдаланса бўлади. Айниқса, пойабзаллар рангли бўлса, уларга крем танлаш қийин. Вазелин оёқ кийимни ялтиратибгина қолмай, намдан ҳам химоя қилади.

Хона гулларининг баргини тез-тез артиб туриш керак. Чанг гулларнинг нафас йўлини тўсиб қўяди.

Бир бўлак бўрни тилла буюмлар сақланадиган қутичага солиб қўйсангиз, уларни қорайиб қолишдан асрайди.

Агар стол ёки силлик жойга мум тушса уни кириб тозалашта шопилманг. Иссиқ фенни ўша жойга тутиб, мумни эритиб, кейин латта билан артиб олиш мумкин.

Жундан тўқилган свитерни ювишдан олдин уч ошқошқ туз солиш керак. Шундай қилсангиз свитерингиз чўзилиб кетмайди.

Тухумнинг янги-эскилигини аниқлаш учун уни совуқ шўр сувга солиб кўриш керак. Агар тухум чўкса янги, сувда сузиб юрса эски бўлади.

Макарон, чой, қажва, курук мевала, ёрмалар, зираворлар ва қандолат маҳсулотлари сақланаётган идиш ичига бир бўлакдан саримсоқ солиб қўйсангиз, ҳашаротлар ораламайди. Бунда саримсоқнинг ўзи ҳам яхши сақланади.

Гуллар учун фойдали ва арзон ўғит сифатида банан пўстлогининг майдаланганини ишлатишингиз мумкин.



## ҚАТРА ХАНДАЛАР

— Сен билан турмуш қуришга рози бўлганимда фирт аҳмоқ эканман, — деди хотин эрига.

— Ўшанда азбаройи маҳлиё бўлганимдан бун билмаган эканман.

— Дўхтир, ухлаётганимда шундай хуррак отаманки, ҳатто ўзим уйғониб кетаман. Илтимос, бунинг давосини айтинг.

— Унда бошқа хонага чиқиб ухлаб кўринг-чи...

Кампир дўхтирга мурожаат этипти:

— Болам, менинг гоҳ бошим оғрийди, гоҳида белим. Нима қилишни билмайман. Бирорга дори ёзиб беринг.

— Ҳўп, момо, ҳозир сизга ёрдам берамиз, — дея дўхтир шкафдан битта таблетка олиб, уни иккига бўлди. Таблетка бўлақларини узатар экан леги:

— Мана, буниси бош оғригини, иккинчи ярми эса бел оғригини қолдиради. Фақат эҳтиёт бўлинг, уларни адаштириб юборманг!

Тўловчи:  
Муҳаммаджон МАҲМУДОВ

## Табриклаймиз!

Бобур номидаги Андижон вилояти ахборот-кутубхона маркази жамоаси кадрлар бўйича мутахассис Насибохон ҚОСИМОВАни кутлур 50 ёши билан самийий муборакбод этиб, унга узоқ-умр, сикат-саломатлик, хонадонига файзу барака ва фарзандлар камолини кўришни тилади.

"Ўзбектелеком" АК Қашқадарё филиали жамоаси филиалнинг транспорт бўлими хайдовчиси Файзулла НАРЗУЛЛАЕВни кутлур 55 ёши билан табриклаб, унга онлави хотиржамлик, ишларида ривож тилади.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Кўкон ПАТ ходимлари Мирзаадхам МИРЗАЕВни 60 ёши, Олтинарк ПАТ ходими Акбарали МАМАЖОНОВни 50 ёши билан чин юракдан табриқлайди. Уларга мустахкам соғлиқ, узоқ умр, фарзандлар камолини кўришлигини тилади.

"Ўзбектелеком" АК «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиалнинг 8-бўғамаси жамоаси етакчи ҳисобчи Елена КОРЮКИНАни муборак 50 ёшга кириб олиш билан самийий табриқлаб, таваллуд кун сохибасига соғлиқ-омонлик тилади.

"Ўн-Термиз" филиали жамоаси ва бошланғич касба уюшмаси ташкилоти филиалнинг қуриш муҳандиси Нормурод КЕНЖАЕВ, электромонтёр Хоамурод ДАВРОНОВларни 60 ёши ҳамда филиал ҳисобчиси Шермат ИСКАНДАРОВни 55 ёши билан самийий табриқлайди. Уларга узоқ умр, хонадонларига файзу барака тилади.

"Ўзбектелеком" АК Фарғона филиали жамоаси Бағдод ТБ бошлиғи Тўйчибой ЖўРАКУЛОВни 60 ёши, Куvasой ШТБ ва Бағдод ТБ ходимлари Тўпана ИСАҚОВА ҳамда Илхомжон ҚОДИРОВларни 50 ёши билан самийий кутлайди. Уларга соғломлик, узоқ умр, фарзандлари роҳатини кўришлигини тилади.

## Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АЛОҚА, АХБОРОТЛАШТИРИШ ВА ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ДАВЛАТ ҚўМИТАСИ

Бош муҳаррир:  
Абдусайд КўЧИМОВ

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:  
Хуршид МИРЗАХИДОВ (Ҳайъат раиси), Махсум МАҲМУДОВ, Алишер ФАЙЗУЛЛАЕВ, Миродил САНИЛОВ, Рустан ҚОСИМОВ, Сувоп НАЖБИДИНОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган қўлёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлиғи мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Реклама матнларининг тўғрилиғига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

Газета ҳафтанинг жума кунини чиқари

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳри, "Буёқ Турон" кўчаси, 41-уй.

Г-152 сонли буюртма. Оффсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 18881 нуска.

### МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Тошкент, Бунёкор шоҳқўчаси, 8-уй.  
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.  
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz

Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компютер базасида терилди ва сақланган.

Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ.  
Навбатчи: Собит АҲАДОВ.

### ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00.  
Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят мухбирлари:

Андижонда 226-47-80 Бухорода 223-27-85 Гулистонда 40-12-19 Жиззахда 226-06-34 Навоийда 225-91-10 Наманганда 232-97-86 Нукусда 554-35-45 Самарқандда 233-61-81 Термизда 224-06-12 Тошкентда 288-40-66 Урганча 226-37-16 Фарғонада 224-18-05 Қаршида 931-08-99